Buyuk kelajagimiz bugundan boshlanadi

XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

e-mail: xxi_asr@umail.uz | 2019-YIL 7-FEVRAL, PAYSHANBA, 5 (795)-SON | web sayt: www.21asr.uz

Иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларда экспорт ҳажмини ошириш вазифалари белгилаб берилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 6 февраль куни иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларда экспорт ҳажмини ошириш борасидаги энг муҳим вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, видеоконференцалоқа орқали Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар раҳбарияти, йирик компаниялар вакиллари, элчилар иштирок этди.

Экспорт – иқтисодиёт барқарорлигининг асосий омили. Валюта захираларини кўпайтиришнинг ягона йўли ҳам экспорт ҳажмини кескин оширишдир.

Мамлакатимизда экспорт фаолиятини енгиллаштириш ва қўллаб-қувватлаш борасида кўрилаётган чоралар натижасида ўтган йили экспорт ҳажми 14 миллиард 258 миллион долларни ташкил этиб, 13,6 фоизга ўсган.

Кейинги икки йилда экспорт географияси 50 та давлатга кенгайиб, 140 тага етган. Экспортга 120 та янги турдаги маҳсулот чиқарилган. Экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 56 фоизни ташкил этиб, ҳудудий саноат экспорти қарийб 1,7 баробар ўсган. Бироқ шунга қарамай, ҳали ҳам мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Йиғилишда Президентимиз экспортбоп маҳсулотлар таркибини диверсификация қилиш, экспортда хомашё бўлмаган маҳсулотлар улушини камида 60 фоизга етказиш зарурлигини таъкидлади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг 2019-2025 йилларга мўлжалланган миллий экспорт стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича топшириқ берди.

Мазкур стратегия экспортёрларга кўрсатилаётган давлат хизматларини тўлиқ электрон шаклга ўтказиш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, мамлакатимизни "Doing Business" рейтингида "ташқи савдо" кўрсаткичи бўйича юқори 50 та давлат қаторига киритиш масалаларини қамраб олади. Хориж тажрибасидан келиб чиқиб, экспорт қилувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон экспортёрлар ассамблеяси ташкил этилади.

Видеоселектор йиғилишида экспортни кўпайтиришда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, бу борадаги ишларни жонлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўтган йили ҳудудий экспорт прогнози бажарилмагани, айниқса, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳрида бу борада сусткашликка йўл қўйилгани қайд этилди. Ҳудудий мева-сабзавот экспорти прогнозидан анча кам бўлгани, бирорта ҳудудда бу борадаги режа бажарилмагани танқид қилинди.

Албатта, экспорт жаҳон бозоридаги конъюнктурага ҳам боғлиқ. Хорижий экспертлар жорий йилда ҳам асосий хомашё маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги нархлари паст бўлишини прогноз қилмоқда. Шу боис, 2019 йилги экспорт прогнози ўтган йилга нисбатан 30 фоизга кўп этиб белгиланди.

Давлатимиз раҳбари экспорт прогнозини таъминлашни аниқ ҳисоб-китоб асосида ташкил этиш, бу борада янги тизимни йўлга қўйишни таклиф қилди. Унга мувофиқ, аввало, Республика экспорт штаби фаолияти тубдан такомиллаштирилади. Штаб вакиллари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга бириктирилади.

Шунингдек, Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ўзлари мутасаддилик қиладиган вазирлик ва идоралар ҳамда хўжалик бирлашмалари томонидан экспорт прогнози бажарилиши учун шахсан жавобгар этиб белгиланади.

Республика экспорт штаби, Бош вазир ўринбосари ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги тармоқлар ва ҳудудлар бўйича ўн кунлик экспорт жадвалларини ишлаб чиқиб, тузилган экспорт шартномаларини сўзсиз бажариш ҳамда қўшимча келишувлар имзолаш чораларини кўради.

Иккинчидан, ҳар бир вилоят, туман ва шаҳарда экспорт бўйича доимий ишлайдиган штаблар ташкил этилади. Улар масъуллигида экспортбоп маҳсулотлар экиш, хўжаликларни сифатли уруғ ва кўчат билан таъминлаш, ҳосилни нестнобуд қилмасдан йиғиб олиш, саралаш, қадоқлаш, сақлаш ва қайта ишлаш, маҳсулотларни ташқи бозорга чиқаришгача бўлган яхлит тизим йўлга қўйилади. Шунингдек, ушбу штаблар ички ва ташқи логистика, сертификация масалаларига, кичик бизнес субъектларининг экспортини кўпайтириш, керак бўлса, айланма маблағлар учун кредитлар ажратилишига кўмаклашади.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, ҳар бир вилоят, туман ва шаҳар штаблари таркибига иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, транспорт, энергетика, божхона, стандартлаштириш, карантин бўйича республика идоралари, шунингдек, Савдо-саноат палатасининг жойлардаги бошқарма ва бўлимлари ҳамда тижорат банкларидан вакиллар киритилади.

Йиғилишда ҳудуддаги штаблар экспортёрлар билан доимий равишда ишлаши, муаммоларини тезда ҳал қилиб боришлари зарурлиги таъкидланди. Амалга оширилаётган ишлар натижалари "онлайн" маълумотлар базасига киритилиб, назорат қилиб борилади.

Учинчидан, вазирлар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўз йўналишидаги корхоналар бўйича экспорт прогнози бажарилиши учун жавобгар бўлади.

Мисол учун, "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси кластерларда пахта хомашёсини етиштиришдан тортиб, уни чуқур қайта ишлашга, республика бўйича барча тўқимачилик маҳсулотлари экспортига масъул бўлади.

Шу боис, тармоқларда замонавий технологияларни жалб этган ҳолда, юқори қўшимча қийматли товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш зарурлиги таъкидланди.

Тўртинчидан, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Экспортни қўллаб-қувватлаш миллий тизимини самарали ишга солиб, корхоналарга ташқи бозорга чиқишга кўмаклашади, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш ва суғурталаш чораларини кўради. Ушбу тизим фаолияти экспорт штаблари билан ҳамкорликда йўлга қўйилиши, энг муҳими, корхоналар бу тизим самарасини сезиши лозимлиги қайд этилди.

Бешинчидан, экспортни таъминлашда барча вазирлик ва идоралар бевосита қатнашади. Жумладан, Ташқи ишлар, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирликлари элчилар билан биргаликда хорижий давлатлардаги бозор талаблари ва буюртмачиларни аниқлаб, экспорт штабларига мунтазам тақдим этиб боради.

Ҳудудларга бириктирилган элчилар ҳокимликларга ташқи бозорда харидор топиш ҳамда маҳаллий корхоналарни хорижий давлатлардаги кўргазмаларга юборишга кўмаклашади.

Олтинчидан, транспорт ва логистика хизматларини яхшилашга катта эътибор қаратилади.

Маълумки, бу борада 20 дан ортиқ халқаро транспорт коридори ва йўналишлари йўлга қўйилган, автомобилда халқаро юк ташиш бўйича 30 давлат билан ҳамкорлик ўрнатилган. Лекин логистика ва йўл инфратузилмаси, чегара божхона пунктлари қуввати ўсиб бораётган транзит талабларига тўла жавоб бермаяпти.

Мутасаддиларга логистика марказлари ва йўлбўйи инфратузилмасини янада ривожлантириш, чегара-божхона пунктларининг техник ҳолати ва ўтказувчанлик қобилиятини яхшилаш, транспорт воситалари ва юкларни расмийлаштиришда ахборот технологияларини кенг жорий қилиш юзасидан топшириқлар берилди.

Самолётда йўловчи ва юк ташиш учун тариф сиёсатини оптималлаштириш, хусусий операторларга вагонлар паркини ташкил этишда кўмаклашиш, транзит давлатлардан чегирмалар олиш ва экспортёрларга татбиқ этиш вазифалари қўйилди.

Еттинчидан, экспорт товарларини стандартлаштириш ва сертификатлаш талаб даражасида эмаслиги, аксарият стандартлар жаҳон андозаларига мос келмаслиги уларни экспорт қилишда жиддий қийинчиликлар туғдирмоқда. Шу боис, "Ўзстандарт" агентлигига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда сертификатлаш ва стандартлаштириш бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этиш топширилди.

Йиғилишда мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишни самарали ташкил этиш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Шу йўналишга ихтисослаштирилган 67 та туманда экинларни оптимал жойлаштириш, етиштирилган мева-сабзавотларнинг камида 25 фоизини экспортга йўналтириш зарурлиги таъкидланди.

Мазкур туманларда мева-сабзавотчилик кластерлари ташкил этиш, шундай маҳсулотларни қайта ишлайдиган замонавий корхоналарни кўпайтириш юзасидан тавсиялар берилди.

Ҳамма аниқ билиши керак. Экспортбоп сифатли мева-сабзавотлар етиштирилмаса ва хорижга йил давомида етказиб берилмаса, экспортни кескин ошириб бўлмайди, деди Шавкат Мирзиёев.

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортёрларига енгиллик яратиш мақсадида Қозоғистон, Қирғизистон, Беларусь ва Болтиқбўйи давлатлари билан "яшил йўлак" тизимини жорий қилиш, карантин хизматларидан белгиланган тартибда рухсатнома олиш орқали Хитой, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, АҚШ ва Европа бозорига кириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда яна бир долзарб вазифа – хизматлар экспортини кенгайтириш, айниқса, туризмни ривожлантириш истиқболлари ҳақида ҳам сўз юритилди.

Макроиқтисодий барқарорлик кўп жиҳатдан импортни тартибга солишга ҳам боғлиқ экани таъкидланиб, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, импортнинг тариф ва нотариф бошқарув сиёсатини такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилди.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботи эшитилди.

ЎзА

Бугуннинг гапи

Томчи тошни ёради

ёхуд "тўтиқуш" бошловчилар, ваҳшийликни тарғиб қилаётган турк сериаллари ва жиловсиз телеканаллар хусусида баъзи кузатувлар

Тасодифан кўзим тушиб қолди. "Менинг юртим" телеканалидаги "Марказий студия" (россиялик ўша машҳур Вадим Такменевнинг "Центральное телевидение"сига ўхшатма) деган хабарнамо кўрсатувда (бундаям аҳён-аҳёнда савияли, таъсирчан, кутилмаган мавзуларда лавҳалар берилишини тан олиш керак) икки бошловчидан бирининг кадрда айтаётган гапини эшитинг: "Халқ таълими тизимида ... обуна деган иллатга барҳам берилди" (?). Дод деворгинг келади. Барака топгур, ким сенга шу аҳмоқона матнни ёзиб берди, фикрлаб ўқисанг асаканг кетармиди? Ажабо, қорлар ёғиб излар босилган бир паллада энди обуна жамият иллати бўлиб қолдими? Ҳатто миллатга гиёҳвандлик, фоҳишабозлик, одамхўрлик каби даҳшатли балолар хавф солиб турган бир пайтда обуна иллатга айланганини қайси ақли расо одам қабул қила олади? Ким кимни мажбурлаяпти китоб ё газет-журнал ўқигин деб? Маърифат истаган кишининг кўнглига ҳам, хонадонига ҳам ана шу илму зиё воситалари қўл-оёқсиз, ҳеч бир тазйиқсиз кириб бориши кўп бора исботланган ҳақиқат.

Нафақат халқ таълими тизимида, балки жамиятимизнинг барча жабҳасида газета-журналларга обуна бўлишда мажбурийликдан воз кечилаётгани, ойлик маошдан ушлаб қолишга барҳам берилаётгани матбуот ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Боиси, аҳолимизда ўзи истаган нашрга обуна бўлиш ва танлаб ўқиш имконияти яралиши ортидан газета-журналлар орасида тенг рақобат муҳити пайдо бўлади. Сифатли обуначи сифатли матбуотнинг шакланишига туртки беради. Фақат масала шундаки, "обуна" ва "мажбурий обуна" тушунчаларининг фарқига етволишимиз керак.

Одамлар тутуриқсиз кўрсатув ва сериаллардан безиб бораётган даврда телеканаллардаям жиддий ислоҳотлар бошланмаса, эртага миллий ўзликни бой беришимиз аниқ (радиоэшиттиришлар бундан мустасно, албатта, уларда ҳеч бўлмаса дилга сурур бағишлагувчи миллий тароналар, ўйга толдиргувчи эшиттиришлар берилаяпти). Томошабин бечоранинг айби нима? У шундоғам кун бўйи бўлар-бўлмас сайтларда чайналавериб увадаси чиқиб кетган мавзудаги шов-шувларни ўқиб-эшитиб чарчаган. Ҳеч бўлмаса қалбга ёруғлик, юракка таскин бергувчи хабарлар наҳот қуриб кетган бўлса? Бу ерда гап "жаннатдан дараклар" дея киноя қилинадиган ҳавойи дастурлар ҳақида кетмаяпти, табиийки.

Энг даҳшатли кўргилик, билмайман, қачондан бери "Zo'rTV" телеканалида "Ҳовли" сериали намойиш қилиняпти, икки саҳнасини кўришга мажбур бўлдим (негаки, меҳмонда эдик, мезбонларнинг 7 ёшидан 90 ёшигача шу сериал жинниси экан). Бирида севган йигити ўзи яхши кўрган, касалхонадан чиқиб келган, қўлтиқтаёққа суянган ярим жон севгилисини қийнаб, бўғиб ўлдирди! Ёшу қарининг нигоҳи ана шу ваҳшиёна саҳнадан узилмаяпти! Иккинчисида фожеали ўлдирилган қизнинг онасининг қамоқхонадаги телбанамо ҳаёти, ўзини осиб ўлдиришга уриниши... ҳатто ёзишга қўрқади одам, ана шу саҳналар "Zo'rTV"да "праймтайм" – қимматли дамларда сал кам икки соатга яқин бемалол кўрсатиляпти! *(Сериалнинг профессионал даражада ишлангани, актёрлар маҳорати, режиссура... булар бизнинг киночилар ўзлаштиролмаётган жиҳатлар эканлигини ҳам тан олмасдан иложимиз йўқ.)* Шуми бизга намуна деб кўрсатилаётган турк қардошларимизнинг миллий қиёфаси! Биламан, орамизда кимдир нима бўпти, туркчами, корейсчами, японча ё мексиканчами, киносериал намойиш этилса, улардан ўрганадиган жиҳатлар ҳам бор-ку, қолаверса, моддий манфаатдорлик турган жойда маънавиятга йўл бўлсин, сизга ёқмаётган бўлса, марҳамат, кўрмай қўя қолинг, милёнлаб одамларни экранга михлаб қўйди-ку, дея эътироз билдириши ҳам табиий.

Биз яна мажлису машваратларда турли кўринишдаги хавф-хатарлар ҳақида фалсафа сўқиб ётибмиз, маънавиятчилар тадбирлар ўтказяпти... ТВ ХАВФИнинг (интернетдаги хатарлар алоҳида мавзу) олдини олишгаям ПРЕЗИДЕНТ фармони ё қарори керакми энди? Қачонгача фақатгина давлат раҳбари бу каби миллий манфаатларимиз ҳимояси йўлида қайғуриши керак? Нега томошабинлик қилиб ўтирибмиз, шу пайтгача йўқотган, бой берилган, топталган маънавий бойликларимиз ўрнини қачон тўлдирамиз?

Алам қилар экан одамга, ҳозир мамлакатда фаолият кўрсатаётган телеканалларда *(яна денг, улар орасида неча ўн йиллар давомида давлат бюджети ҳисобидан яшаб келаётганлари қанча)* кишини ўйга толдирадиган, фикрлашга, тафаккурини ўстиришга хизмат қиладиган кўрсатувлар бармоқ билан санарли. Аксариятида кўнгилочар (аслида кўнгилёпар), шоусифат, "эгизак", "студия-гап" кўрсатувлар урчиди. Шунинг учун ҳам ҳамма ёқни бачкана сериал ва пултопар ўйинлар босиб кетди-да *(улардаги шоумен ва даллол-бошловчиларнинг ҳеч бир тил қоидаларига сиғмайдиган гап-сўзлари, бачкана қилиқлари ҳаммасидан ошиб тушяпти).*

Кўп бора кузатдим, давлат раҳбари Президент бўлиб сайлангунига қадар юртимизнинг ҳар бир бурчагида ўтказилган сайловолди учрашувларида, кейин эса катта-кичик йиғилишларда, байрамолди тадбирлардаги чиқишларида ҳам куйиниб кўп бора таъкидлаётган оғриқли масалалардан бири миллий ўзликни асраб қолиш, фарзандларимиз тақдирига бефарқ қарамаслик ва, асосийси, таълим-тарбия ҳар доим давлат сиёсати даражасида бўлмоғини унутмасликдир. Шундай экан, бугун ҳаётимизнинг бир бўлагига айланган ТЕЛЕВИДЕНИЕ соҳаси жиддий ислоҳотга муҳтож. Таъкидлашни истардим, сўз эркинлиги ва демократия тамойилларининг ҳам ўзига хос меъёри, чек-чегараси бўлади.

Маънавият, маънавият деган билан халқ бир кун ё бир йилда ўзгариб, яхши китоб ўқийдиган, давр руҳини англайдиган, зиёли ё маърифатли миллатга айланиб қолмайди. Бахтга қарши, телевидение ёки радио *(уларга жиддий рақобатчи сифатида интернет деган "чегарасиз дунё" ҳам турганини унутмайлик)* эса бизнинг хоҳиш-истагимизга бўйсунмай ҳар бир оиланинг рўйхатсиз аъзосига айлангани-чи?

Хўш, айтинг, бу аҳволда қандай йўл тутиш керак? Сизу биз, зиёлилар, маърифату маҳалла аҳли, эртамиз тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир ватандошимиз яна бир бор улуғ аллома Авлоний ҳазратлари айтган хавфли йўллардан бири – ё ҳаёт, ё ҳалокатни танлаш фурсатига етдик. Энди кечиксак, кечирилмаймиз. Шунинг учун ақлини таниган инсон борки, оиласидаги фарзандидан бошлаб қўни-қўшни, танишу бегона – ҳаммасини ана шундай сирли хавфлардан огоҳ этмоқни ўзининг инсоний бурчи деб билиши шарт. Шунга нима бўпти, дея вазиятга беэътибор қарашимиз охири яхшиликка олиб бормайди. Бунақада томчи тошни ёриши турган гап.

Миллат манфаати ҳамма замонларда ҳам ҳар қандай бойлик, зебу зарлардан бежиз устун қўйилмаган. Зеро, улуғ шоиримиз ёзганидек, инсон қалби билан ҳазиллашиб бўлмайди!

Норқобил ЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Электорат билан юзма-юз мулоқотлар

"...Олий Мажлис палаталарида қонунлар ижросини кўриб чиқиш, раҳбарлар ҳисоботини эшитиш билан чекланмасдан, бевосита жойлардаги аҳволни тизимли равишда ўрганиш ва тегишли таклифлар ишлаб чиқиш амалиётини йўлга қўйиш зарур, деб ҳисоблайман. Яна бир инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат борки, фуқароларда ҳам ислоҳотларга нисбатан дахлдорлик ҳисси шаклланиши керак. Ана шундагина кўзлаган мақсадларга эришиб, олдимизга қўйилган вазифаларнинг тўлиқ уддасидан чиқамиз". Бу асосли фикрни, таъбир жоиз бўлса, депутатларга қаратилган даъватни давлатимиз раҳбари Конституциямизнинг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимда илгари сурган эди. Бугун 2019 йилнинг 7 феврали эканини инобатга оладиган бўлсак, демак, орадан роппа-роса икки ой ўтибди. Олтмиш кун ҳам амалий, ҳам назарий нуқтаи назардан кўпгина вазифаларни бажариш учун етарли муддат экани ҳеч кимга сир эмас.

Хўш, халқ ноиблари шу вақт ичида "...бевосита жойлардаги аҳволни тизимли равишда ўрганиш ва тегишли таклифлар ишлаб чиқиш..." борасида қандай ижобий натижаларга эришдилару нималарга улгурмадилар? Парламент вакилларининг ўз сайловчилари билан навбатдаги учрашувлари мисолида ушбу саволга атрофлича жавоб топишга харакат қилдик. Алоҳида таъкидлаш жоизки, мақоламизга "хомашё" бўлган маълумотлар қарийб бир хафта давомида сайлов округларида махалла-ма-маҳалла юрган O'zLiDeP фракцияси аъзоларининг ўзлари ёхуд партия худудий кенгаплари томонидан тақдим этилди. Ким астойдил ҳаракат қилганини англатувчи таҳлиллар яхши ё ёмон, зўр ё ғўр, таъсирчан ё бетаъсир, жадал ё сустта ажратилмади. Баён этилганлардан қандай хулоса чиқариш газетхоннинг ихтиёрига ҳавола.

Бунда икки жиҳат эътиборга молик. Биринчиси, яъни ўзаро уйғун ва ўхшаш томони барча депутатларимизнинг жойлардаги учрашувлари, аҳоли билан мулоқотлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Харакатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурининг мазмун-моҳиятини очиб бериш, қонунчиликдаги янгиликлар хусусида тўлиқ ахборот тақдим этишдан бошланганида, уйма-уй, корхонама-корхона юриш тадбирлари O'zLiDeP ишчи гуруҳи аъзолари билан биргаликда амалга оширилганида яққол кўзга ташланди. Иккинчи, яъни фарқли жиҳати шундаки, аксарият депутатлар учрашувларни юртбошимиз даъвати асосида жонли ва самарали тарзда ўтказишга интилган ва мурожаатларни имкон қадар жойида ечган бўлса, айримлари парламент қуйи палатасида намунавий шаклда тайёрлаб берилган маълумотларни ўқиб берган, сайловчиларнинг саволларига "ўрганамиз, кўриб чиқамиз, назоратга оламиз" қабилида жавоб қайтаргани ҳам бор гап.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Помидор-бодринг ўрнига сув ёпилса?!

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ўткир Турсунов сайловчилар билан навбатдаги учрашувларнинг амалий тадбирлари доирасида сув миноралари қурилган манзилларга бориб, муаммони жойида ўрганди. Қудуқ ўз холига ташлаб қўйилгани боис атроф қаровсиз ташландиқ ҳудудга айланиб қолган.

Тилга олинган қишлоқларда яшовчиларнинг аксарияти боғдорчилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Аҳоли истеъмол қиладиган ичимлик сувини сотиб олади. Чорва моллари 5 чақирим узоқликдан оқиб ўтувчи Шовот каналидан суғорилади.

– Суви бор қишлоқларда аҳоли қишлиққа банкаларга помидор-бодринг ёпса, бу ердагилар барча банкаларга сув ғамлаб, маҳкам ёпиб қўйишади, – дейди Дўстлик қишлоғидаги 82-сонли умумтаълим мактаби директори М.Аптаров. – Бир кунга ораб қолади-да. Ўзимиз сайлаган депутатимизнинг ушбу масалага ойдинлик киритиш мақсадида жиддий ишга киришгани одамларда умид уйғотаяпти. У туманнинг мутасадди раҳбарлари билан бевосита учрашиб, республика гидрогеология ташкилоти билан биргаликда муаммо ечимига йўналтирилган "йўл харитаси" тайёрлади. Энг муҳими, маҳаллий аҳолининг шу режалар амалга ошишига ишончи сўнмаганида...

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Хоразм вилоятидан сайланган депутатимиз Клара Жумамуратова ўз учрашувларини Урганч шаҳридаги 3-сонли оилавий поликлиникада мавжуд муаммоларни ўрганишдан бошлади.

Амунинг чап соҳилида нима гаплар?

Тиббиёт ходимлари ва даволанаётган беморлар билан суҳбат давомида ушбу муассасанинг таъмирталаблиги, бир томони ўта яроқсиз аҳволда эканлиги, тез тиббий ёрдам машинаси зарурлиги билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Ечим бўйича аниқ таклифлар ўртага ташланди.

Фракциямиз аъзосининг саъй-ҳаракатлари самараси ўлароқ 13-сонли умумий ўрта таълим мактаби биносида Урганч шаҳар ҳокими Шуҳрат Абдуллаев билан биргаликда ташкил этилган сайёр қабулда 20 дан ортиқ фуқаролар мурожаатлари тингланди ва уларнинг аксариятига жойида ечим топилди. Юзма юз мулоқотда имтиёзли кредитлар ҳажмини янада ошириш, ички йўлларни таъмирлаш, бандликни таъминлаш юзасидан жўяли мулоҳазалар билдирилди.

Масалан, Раҳима Тўраниязова нон ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркор. Ўз фаолиятини янада кенгайтириш ва ишчилар сонини ошириш мақсадида тўрт ой олдин "Ҳар бир оила - тадбиркор" дастури бўйича 30 млн. сўм миқдорида кредит сўраган. Лекин айрим сабабларга кўра ҳалигача банк томонидан тадбиркорга кредит ажратилмаган. Мазкур муаммо шу ернинг ўзида ижобий ҳал этилди. Паррандачилик йўналишида бизнес қилиш истагида бўлган Зарипбой Эркаевга соҳа мутахассислари маъқул йўл кўрсатишди.

Нафақалик гаштини сураётган Анабиби Маткаримованинг Урганч шаҳри ичида қатновчи автобусларнинг нуронийларга бепул хизмат кўрсатиш бўйича таклифини шаҳар ҳокими маъқуллади ва бу борада тегишли ташкилотларга кўрсатма берди.

К.Жумамуратова учрашувларнинг иккинчи кунида Урганч шаҳрида ташкил қилинган кичик саноат зонаси фаолияти билан яқиндан танишди. Санобар Жуманиязова мебель цехи очиш мақсадида шу ҳудуддан ер олган. Унга 250 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит зарур. Ушбу масала юзасидан "Ёшлар - келажагимиз" жамғармаси Урганч шаҳар филиали раҳбари Омонбой Собуров билан гаплашилиб, масалага ечим топилди.

Кичик саноат зонаси ҳудудида 2018 йилда ўз тадбиркорлигини бошлаган Саиджон Қурбанов "ноль" қийматда бўш бино олиб, ширинликлар ишлаб чиқариш цеҳини ташкил қилган ва 12 нафар ёшнинг бандлигини таъминлаган. Тадбиркорнинг муаммоси депутатлар томонидан ўрганилганда унинг фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида қўшимча 200 минг АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит олиш ниятида эканлиги, лекин ушбу суммага лойиқ гаров таъминоти йўқлиги маълум бўлди. Депутат бунинг ечимини топиш чорасини кўришини айтди.

Урганч шаҳридаги "Мустақиллик" маҳалла фуқаролар йиғинидаги учрашувда Альвира Раҳимова ўзига тегишли хонадонда 12 киши истиқомат қилаётганлиги сабабли арзон уй-жой олишда ёрдам сўради. Ушбу масала бўйича шу куниёқ зарур ҳужжатлар тайёрланиб, шаҳар ҳокимлигининг Уй-жой бўлимига топширилди ва ижроси назоратга олинди.

Беш кунлик ўрганишлар давомида айрим фуқароларга имтиёзли кредит олишда кўмаклашилди, кўплаб ёшларни ишга жойлаштириш масаласи ҳал этилди, ижтимоий муаммоларнинг кўпчилиги эса жойида ўз ечимини топди. Энг асосийси, 105-Урганч сайлов округи сайловчилари, маҳалла фаоллари, таълим муассасалари, тадбиркорлар ва ишбилармон доиралар вакиллари билан ўтказилган учрашувлар ва ўрганишлар давомида Урганч шаҳри ҳамда Урганч тумани аҳолиси томонидан кўтарилган бир қатор муаммо бўйича "йўл харитаси" ишлаб чиқилди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Мурожаатлар ечимсиз қолмайди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси Зафар Ханиязов Қўнғирот туманидаги маданият ва аҳоли дам олиш масканида ўз сайловчиларининг таклифларини эринмай тинглади. Мурожаатларнинг аксарияти ишсизлик билан боғлиқлигининг сабабларини таҳлил қилди. Шунингдек, ички йўлларнинг таъмирталаблиги ҳам энг кўп кўтарилган масалалар сирасига кирганига алоҳида эътибор қаратди.

Қўнғирот сода заводидаги юзма-юз суҳбатларда уй-жойнинг кадастр ҳужжатларини расмийлаштиришдаги саналорликлар, банкоматларнинг яхши ишламаслиги билан боғлиқ муаммолар тез-тез такрорланди.

Депутатнинг ана шундай учрашувларидан яна бири Қонликўл туманидаги "Наврўз" овул фуқаролар йиғинида ўтказилди. Тадбирда туман ҳокимлиги ва тегишли ташкилотлар мутасаддилари ҳам иштирок этишди. Шу овулда яшовчи тадбиркор О.Бекниязов ташкил этаётган "Наўше гуллери" мактабгача таълим муассасасининг 45 фоиз қурилиш ишларини ўз ҳисобидан бажарганини айтар экан, қолгани банк кредитлари асосида амалга оширилиши режалаштирилганини таъкидлади. Лекин кредитни олишда муаммолар ечимини топиш осон кечмаяпти. З.Ханиязов ушбу масалани ижобий ҳал этишга ваъда берди.

Бескўпир ва Наврўз қишлоқларига хизмат кўрсатувчи врачлик пунктлари "Обод қишлоқ" Давлат дастури асосида таъмирланган бўлса-да, муолажа хонаси ва замонавий аппаратлар йўқлигидан арз этилди. Маҳалла аҳли ушбу ҳудудларда аҳоли сонининг кўплигини ҳисобга олиб, тегишли шифокор ва ҳамширалар билан таъминлашда депутатдан амалий ёрдам сўради. Учрашув доирасида Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида олиб борилган ишлар ва 2019 йилги "йўл харитаси"га киритилган масалаларнинг бажарилиши бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Парламент қуйи палатасидаги O'zLiDeP фракциясининг яна бир аъзоси Қутлимурат Бабашев партиянинг "Депутат ва ёшлар" лойиҳаси доирасида ўтказилган тадбирларда фаол бўлди. "Президент Мурожаатномаси – ёшлар нигоҳида" мавзусида маъруза қилди. Қорақалпоқ давлат университети ва Нукус давлат педагогика институти талабаларининг фикрларини эшитди. "Ёшлар - келажагимиз" жамғармаси фаолиятини янада кенгайтириш хусусида сўз юритди. Жорий йилда ушбу жамғарма орқали 2 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилгани, ёшлар учун 50 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилиши ҳақида маълумот берди.

Қ.Бабашев, шунингдек, O'zLiDeP ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази томонидан тарғиботчи лидерлар ва бошланғич партия ташкилотлари етакчиларнинг малакасини ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигида ташкил этилган ўқув-семинарда ҳам қатнашди. "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг аҳамияти ҳамда уларни амалга ошириш механизмларига урғу берди.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Холбўтаев ишончни оқлайди!

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Эркин Холбўтаевнинг жонли мулоқотлари Жиззах шаҳридаги "Сайҳон" маҳалласида сайёр қабул ташкил этишдан бошланди. Бу тадбир том маънода очиқ мулоқот тусини олди. Саволларга аниқ жавоб берилиб, муаммоларга ечимлар таклиф қилинди.

– Маҳалламиз аҳли асосан ариқ сувидан ичади, – дейди шу маҳаллада истиқомат қилувчи Бекмурод Мусаев. – Булоқни тепа қисмида тош майдалаш (драбилка) цехи фаолият кўрсатиши туфайли сувга олтингугурт ва аммиакли селитра тушиб, обиҳаётни ифлослантирмоқда. Артезиан қудуқ ковлашга зарур трубалар олиб келинган, лекин иш тўхтаб қолган. O'zLiDeP депутатлари шу масала юзасидан тегишли ташкилотларга сўров юборгач, ҳаракат бошланди.

– Маҳалламизда мактабгача таълим муассасаси йўқлиги сабабли болажонларни олисга олиб бораяпмиз, – дейди Бозоргул Сафарова. – Депутатимиз кўмаги туфайли муаммони ижобий ҳал этишга киришилганидан хурсандмиз.

Учрашувлар ва ўрганишлар чоғида аҳолининг тиббий хизматлар билан таъминланганлик даражаси, хусусан, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари томонидан кўрсатилаётган амбулатор ҳамда патронаж хизмати ҳолати ҳам эътибор марказидаги масалалардан бўлди.

O'zLiDeP фракцияси аъзосининг навбатдаги мулоқоти Шароф Рашидов туманидаги "Равот" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтди.

Учрашувга келганлар кун тартибига қўйилган масалаларга батафсил ва қизиқиш билдирганлиги, жўяли таклиф ва мулоҳазаларни айтишгани, жойларда йиғилиб қолган муаммоларни ўртага ташлаганлиги мулоқотнинг жонли ва самимий тарзда ўтишини таъминлади.

Ҳеч ким ҳужжатинг борми, деб сўрамайди

ҚАШҚАДАРЁ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзолари Қаҳрамон Эргашев, Гулшана Худоёрова ва Ўткир Бўтаев Қашқадарё вилоятидаги сайлов округларида ўз сайловчилари билан учрашишди. Уларга партия ҳудудий кенгаши ишчи гуруҳлари аъзолари, маҳаллий ижроия ҳокимияти вакиллари ҳамроҳлик қилишди.

...Олим Абдураҳмонов Касби туманидаги Майманоқ қишлоғида хусусий клиника барпо этди. Яқин атрофдаги бешта қишлоқ аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатишга мўлжаллаб ташкил этилган мазкур масканни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга келганда тадбиркорнинг қўли калталик қилиб қолди. Банкдан кредит ажратиш асоссиз равишда чўзилиб кетди. Унга парламент депутатлари амалий ёрдам кўрсатишгач, иш юриша бошлади. Тадбиркор шифокорга хорижда ишлаб чиқарилган тиббий асбоб-ускуналарни харид қилиш учун 60 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди.

Шаҳрисабз туманидаги Ҳазора қишлоғида яшовчи Дилнавоз Чоршанбиева ва Зебинисо Боқиева тикув цехи ташкил этишмоқчи. Манзура Ўринова эса иссиқхонада сабзавот етиштиришни режалаштираяпти. Жасур Сотти́ев балиқхонасини ишга тушириш ниятида. Уларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастури тўғрисидаги фармонининг мазмун-моҳияти тушунтирилди.

Косонлик Ҳамза Бобошарипов ишчи гуруҳи кўмаги билан 150 млн. сўм кредит олди. Хитойдан замонавий технология келтириб, тунука ишлаб чиқаришни бошлаб юборди. Цехда 5 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди.

113-Бешкент сайлов округидан сайланган Ўткир Бўтаев аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш билан шуғулланадиган "Шарофиддин Нурилло" МЧЖ жамоаси билан мулоқотда ажиб бир манзарага дуч келди. Жамият ҳовлисида 50 та янги автобус чанг босиб ётибди. МЧЖ директори Нарзулла Намозовнинг айтишича, бу автобусларнинг қатнаши учун йўналиш йўқ экан...

- Бугун ҳамма машинасини сариқ рангга бўяб, киракашлик қилишни бошлаб юборди, - дейди тадбиркор. - Таксилар барча йўналишларни эгаллаб олган. Аммо ярмидан кўпи ҳужжатсиз фаолият олиб бормоқда. Ҳеч ким улардан ҳужжатинг борми, деб сўрамайди. Натижада аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш йўловчи хавфсизлигига кафолат бера олмайдиган қонунбузарлар қўлига ўтиб кетаяпти. Улар автобусларнинг ҳаракатланишига халақит беришяпти.

Депутат Ўзбекистон Автомобиль транспорт агентлиги Қашқадарё вилоят бошқармасига сўровнома билан мурожаат этиб, мазкур муаммо билан жиддий шуғулланишга ваъда берди.

O'zLiDeP фракцияси аъзоларининг фермерлар билан мулоқотида шу нарса аён бўлдики, 40-45 йил илгари қурилган суғориш лотоклари бутунлай яроқсиз ҳолатга келган. 2018 йил 5, 2019 йил 8 км. лотокларни алмаштириш лойиҳалаштирилган бўлиб, ҳозирга қадар уларнинг 100 метри ҳам янгиланмади. Р-17 канали бетонлаштирилмаса, суғоришда муаммолар пайдо бўлади. Намуна ва Манғит ҳудудларида ер ости сизот сувлари кўтарилиб кетганлиги боис зовурларни тозалаш ишлари амалга оширилиши керак. Акс ҳолда шўрлаб кетган ерлардан шартномага яраша ҳосил кўтариш амримаҳол.

Очиқ ва ошкора суҳбатларда одамлар электр таъминотидаги узилишлар, ичимлик суви таъминотининг ёмонлиги, ижтимоий соҳа муассасаларида иссиқлик тизимидаги камчиликлар борлигини айтиб ўтдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, парламент аъзоларининг тез-тез келиши халқ депутатлари вилоят ва туман кенгашлари депутатлари фаолиятининг ҳам жонланишига сабаб бўлди. Улар ҳам ишчи гуруҳларига жалб этилиб, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича тегишли соҳаларни ўрганиш, аҳолини қийнаётган муаммоларнинг мақбул ечимларини топишда амалий ишларни бошлаб юбордилар.

Бироқ вилоятнинг айрим туманларида йиллар давомида тўпланган муаммолар борлигидан кўз юммаслик керак. Масалан, Шаҳрисабз тумани Кичик Новқат МФЙга қарашли қишлоқлар аҳолиси электр таъминоти ёмонлигидан мунтазам шикоят қилиб келадилар.

Қамаши туманига қарашли Оқгузар массивидаги ички йўллар тизза бўйи лой. Ёш болалар мактабга боришга қийналишяпти. Ичимлик сувини аҳоли 35-40 минг сўмдан сотиб олишга мажбур. Болалар майдончаси йўқ. Тумандаги 51-мактаб ва 15-сонли мактабгача таълим муассасаларида иссиқлик тизими мутлақо ишламайди. Хоналар совуқ ва таъмирга муҳтож. Миришкор туманидаги Помуқ ва Чандир қишлоқларида ҳам шундай аҳвол...

Жойларда бу каби йиғилиб қолган муаммолар кўп. Депутатлар ва ишчи гуруҳи аъзолари мутасаддиларга сўровнома киритишяпти. Аммо масъулларнинг пинаги ҳам бузилаётгани йўқ. Партия депутатлик гуруҳлари аъзолари ўрганилган ва тўпланган масалалар бўйича яна депутатлик сўровлари киритишди. Ажабмас, бу сафар улар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асл моҳиятини англаб, керакли чора-тадбирларни ишлаб чиқсалар. Буёғини эса вақт кўрсатади.

O'zLiDeP фракцияси аъзоларининг турли ҳудудлардаги учрашувлари давом этмоқда.

Озод РАЖАБОВ тайёрлади

Қуйи вакиллик органлари фаолиятини тўла қонунлаштириш вақти келди

Маълумки, ҳуқуқий давлат мақоми – қонунлар ҳаётнинг барча қатламларига қай даражада кириб боргани билан белгиланади. Бизда ҳам ана шу вазифаларни амалга ошириш мақсадида конституциявий мақомга эга вакиллик органлари фаолияти йўлга қўйилган.

Нуриддин МУРОДОВ,
O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси котибият мудири, Экспертлар гуруҳи раҳбари

Хусусан, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи **олий давлат вакиллик органи** – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенат (юқори палата). Асосий қонунимизга мувофиқ Сенат Ўзбекистон ҳудудий вакиллик палатаси саналади. Жўқорғи Кенгес эса Қорақалпоғистон Республикаси ҳокимиятининг олий вакиллик органидир. Шунингдек, вилоят, туман ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари ҳисобланади.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи олий давлат вакиллик органи асосий фаолиятини 6 та яхлит қонун ва қонун кучига эга палаталарнинг қўшма қарори тартибга солади. "Парламент назорати тўғрисида"ги ҳамда "Палаталарнинг Регламенти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари эса назорат фаолиятини амалга оширишнинг тартиб-таомилларини белгилаб беради.

Бундан ташқари, сиёсий партияларнинг қуйи палатадаги фракциялари ҳуқуқий мақоми ҳам юқорида айтилган қонунлардаги алоҳида нормаларда кўрсатиб ўтилган. Демакки, олий вакиллик органларининг қонунчилик ва назорат фаолияти ҳамда мажлисларни чақириш, уларга масала киритиш, киритилаётган масала объекти чегараси, субъект (депутат, қўмита, фракция) ваколатлари, кўриб чиқиш тартиби, регламенти яхлит қонунлар асосида тартибга солинган, десак муболаға бўлмайди.

Бироқ қуйи вакиллик органлари – халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари фаолиятида эса назорат, кенгашлар мажлисларни чақириш, уларга масала киритиш, киритилаётган масала объекти чегараси, субъект (депутат, кенгаш аъзоси, депутатлик гуруҳи, тегишли комиссиялар) ваколатлари, масалани киритиш, кўриб чиқиш тартиби, регламенти яхлит қонунлар асосида конкрет белгиланмаган. Шу боисдан ҳам ҳудудларда халқ депутатлари кенгашлари ҳаракат йўналиши ягона амалиётга асосланмайди. Кенгашларнинг мажлисларни ўтказиш, масалаларни киритиш ва кўриб чиқиш, назорат фаолиятини олиб бориши ҳам турлича. Умуман олганда, халқ депутатлари кенгашларидаги депутатлар ва сиёсий партияларнинг депутатлик гуруҳлари ва тегишли комиссиялар фаолияти бугунги давр талабига жавоб бермайди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 июлдаги Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида айтилган қуйидаги аччиқ ҳақиқатлар ҳам буни исботлайди: *"Сиёсий партияларнинг маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг таъсири мутлақо сезилмаяпти. Айтиш мумкинки, улар, кўп ҳолларда, номига фаолият кўрсатмоқда.*

...Депутатларнинг иш услубини такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида сиёсий партиялар орқали жойларда "Марказ – вилоят – туман" тартибида ишлайдиган янги тизимни жорий этиш айни муддао бўлар эди. Бу тизим орқали юқоридан пастга тушиб, ҳам депутатларни, ҳам турли аҳоли қатламларини Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар фаолияти, қонун ижодкорлиги, қабул қилинаётган янги қонун ҳужжатлари ҳақида хабардор қилиб бориш йўлга қўйилади. Шу тариқа Олий Мажлис иш услубини вилоят кенгашларига, вилоят кенгашлари иш услубини эса туман ва шаҳар кенгашларига ўргатиш имконияти пайдо бўлади".

Шу ўринда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ижро ҳокимияти ёки бошқа органлар олдига масалани қатъий қўйиш, самарали ва асосли депутатлик назоратини ўрнатишда лозим бўлган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни ўзида қамраб олган аниқ ҳуқуқий асос ишлаб чиқиш ва жойларда татбиқ этиш каби вазифалар ечимига қаратилган "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашининг регламенти тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги партия гуруҳлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаларини таклиф этмоқда.

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги партия гуруҳлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасида давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш услуб ва шаклларини такомиллаштириш вазифаси белгилаб берилди. Яъни, парламент ва депутатлик назоратини олиб бориш воситаларидан бири сифатида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларида партия гуруҳларининг фаолиятини самарали йўлга қўйиш зарурати юзага келди.

Агар маълумотларни таҳлил этсак, 2018 йил якунига кўра, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида O'zLiDePдан сайланган 2 269 нафар депутат фаолият юритмоқда. Рақамлар кесимида кўриб чиқсак, халқ депутатлари вилоят Кенгашларида 295 нафар, халқ депутатлари туман Кенгашларида 1 691 нафар ва шаҳар Кенгашларида 283 нафар депутат ишлаяпти.

2018 йил давомида халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳи ва аъзолари томонидан ижро органлари ҳамда мансабдор шахсларга жами 14 200 га яқин депутатлик сўрови юборилган. Шуларнинг 1 860 дан ортиғи вилоят Кенгаши депутатлари томонидан, 13 300 дан ортиғи туман-шаҳар Кенгашлари депутатлари ҳамда партия туман депутатлик гуруҳларидан жўнатилган.

Афсуски депутатлик гуруҳлари сўровлари натижалари кўзланган натижани бермаган. Айрим сўровлар жавобсиз қолдирилган бўлса, баъзиларида тегишли ҳуқуқий кузатувнинг мавжуд эмаслиги боис кўтарилган масала охирига етмай қолган. Яна айрим сўровларни йўллашда "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ чора-тадбирлар кўрилиши лозим бўлса-да, депутатлик гуруҳлари сўров институтини қўллаб хатоликка йўл қўйишган.

Депутатлик сўрови институти ҳам барча ҳудудларда бирдек йўлга қўйилмаган. **Чунки бу борада ягона амалиётни ҳаётга татбиқ этувчи яхлит ҳуқуқий механизм мавжуд эмас.**

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги партия гуруҳлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасидан кўзланган мақсад ҳудудларда партия гуруҳлари томонидан назорат қилинадиган давлат бошқаруви органларининг ҳисоботи ва ахборотини халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларида эшитиш, ўтказилган эшитувлар натижалари бўйича аниқланган камчилик ва муаммоларнинг ечимини топиш, уларни бартараф қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, уларни тегишли давлат бошқаруви органларига киритиш ва амалиётга татбиқ қилинишини назорат қилишни назарда тутади. Булар сирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига ижро ҳокимияти идораларининг камчилик ва нуқсонлари ҳақида, давлат бошқаруви органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича, шунингдек, давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, ҳокимларнинг ўз лавозимига нолойиқлиги юзасидан асослантирилган маълумотлар ва таклифлар киритиш бўйича ҳуқуқий муносабатларни қонун нормалари орқали тартибга солишдан иборат.

Алоҳида қайд этиш керак, партия гуруҳининг раҳбари сайланадиган лавозим ҳисобланади. Партиянинг халқ депутатлари Кенгашидаги аъзолари ўн ва ундан кўпроқ депутатдан иборат бўлса, партия гуруҳи раҳбарининг сайланадиган ўринбосари лавозими ташкил этилиши мумкин. Партия гуруҳига қабул қилиш ва ундан чиқариш тартиби, партия гуруҳи раҳбари ва унинг ўринбосарини сайлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тартиби белгилаб берилмоқда. Лойиҳада асосий эътибор партия гуруҳи фаолиятини самарали ташкил этишнинг ҳуқуқий механизмларини яратишга қаратилган. Яъни, партия гуруҳининг иш тартибига, партия гуруҳи ва ҳудудий партия ташкилотининг ўзаро муносабатларига доир ҳуқуқий муносабатлар яхлит тизимга келтирилмоқда.

Қонун лойиҳасида партия гуруҳининг асосий ҳуқуқлари сифатида:

– халқ депутатлари Кенгашининг сессияси кун тартибини тузишда иштирок этиш;

– халқ депутатлари Кенгашининг сессияси кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича музокараларда гуруҳ вакилига кафолатланган сўз берилиши;

– ҳудуддаги давлат органлари раҳбарларига, шунингдек, корхона, муассаса ва ташкилотларга сўровлар билан мурожаат этиш;

– доимий ва муваққат комиссиялар раислигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш;

– тегишли равишда халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида муҳокама қилинаётган масала бўйича партия гуруҳининг фикрини депутатлар орасида тарқатиш;

– халқ депутатлари Кенгашига ёки доимий комиссиясига Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг ижро этилиши, халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг бажарилишини текширишга доир таклифлар билан мурожаат этиш;

– фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини бузиш ҳоллари ёки қонун ҳужжатларини бузишнинг бошқа ҳоллари маълум бўлиб қолган тақдирда уларга дарҳол чек қўйиш чораларини кўриш талаби билан тегишли органлар ҳамда мансабдор шахсларга мурожаат этиш;

– вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қонқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосли хулосалар тақдим этган ҳолда ташаббус билан мурожаат этиш;

– давлат ҳокимияти тегишли вакиллик органларининг депутатлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

Партия гуруҳининг назорат-таҳлил фаолияти борасида партия гуруҳи Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва қонуности ҳужжатларини жойларда ижросини назорат-таҳлил тарзида ўрганиши мумкин. Партия гуруҳи назорат-таҳлил шакллари унинг назорат фаолиятини амалга ошириш юзасидан тасдиқланган иш режасига киритилган масалаларни ўрганиш, таҳлил этиш, муҳокама қилиш асосида партия гуруҳининг амалий таклифларини ишлаб чиқиш мақсадлари учун қўлланилади. Партия гуруҳи назорат функцияларини амалга ошириш режалари партия томонидан ишлаб чиқилган кўрсатмалар, таклиф ва тавсиялар асосида тузилади.

Партия гуруҳи қуйидаги депутатлик назорати шаклларидан фойдаланиши мумкин:

– депутатлик назорат-таҳлил фаолиятини ташкил этиш;

– туман ҳокими, унинг ўринбосарлари ва мутасадди ва масъул идоралар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш;

– масала юзасидан мутасадди идоралар раҳбарларига партия гуруҳи сўрови билан мурожаат қилиш.

Партия гуруҳи Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва қонуности ҳужжатларини жойларда ижросини ўрганиш бўйича саволнома ишлаб чиқади.

Партия гуруҳи Ўзбекистон Республикаси қонунлари, давлат дастурлари, Президент фармон ва қарорлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, халқ депутатлари Кенгашларининг қарорлари, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган дастурлар ижроси юзасидан халқ депутатлари Кенгашига ҳисобдор ёки унинг назорати остидаги ҳар қандай орган ёхуд мансабдор шахсга тааллуқли бўлган масалалалар юзасидан унинг ҳисоботи ёки ахборотини эшитиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Партия гуруҳи аъзолари эшитув масаласи юзасидан ўз округларида батафсил ўрганиш ишларини амалга оширади, сайловчилар билан учрашиб масала юзасидан уларнинг фикрларини ўрганади, мавжуд муаммоларни аниқлайди ва эшитувга жиддий тайёргарлик кўради.

Муҳокама якуни юзасидан халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгаши раисига партия гуруҳи раҳбари номидан, муҳокама этилган масалага тегишли бўлган муаммолар ечимига доир партия гуруҳининг амалий таклифлари баён этилган расмий хат тайёрланади ва жўнатилади.

Партия гуруҳи ўз тавсияларини тегишли ташкилотлар томонидан бажарилиши юзасидан мониторинг олиб боради. Мониторинг натижасида тааллуқли органларга тақдимномалар киритиш тартиби белгиланмоқда.

Партия гуруҳи фаолиятига доир муҳим ҳуқуқий механизмлар назарда тутилмоқда. Бинобарин, гуруҳ давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан сўров юборишга ҳақлидир. Сўров предмети сифатида эса қонунлар, давлат дастурлари, Президент фармон ва қарорлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, халқ депутатлари кенгашларининг қарорлари, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган дастурларга киритилган вазифаларнинг ижроси, партия электорати ва сайловчиларни ўйлантираётган ижтимоий-маиший муаммо кабилар бўлиши мумкин. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари депутат ёки партия гуруҳи сўровига жавобни мазкур сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай юборади. Сўровга кўрсатилган муддатда жавоб берилмаган тақдирда бу борада вилоят, туман (шаҳар) прокуратурасига ариза билан мурожаат қилиш мумкин.

Шунингдек, партия гуруҳи сўров натижалари муҳокамасини халқ депутатлари Кенгаши ёки доимий комиссиясининг йиғилиши муҳокамасига киритиши мумкинлиги назарда тутилмоқда. Халқ депутатлари Кенгашига ёки доимий комиссиялари йиғилишига ушбу масалани олиб чиқишга доир норма кўрсатилмоқда.

Яна бир муҳим маълумот: жойларда қонунлар ижроси, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг бажарилиши юзасидан ижро этувчи ташкилотлар раҳбарларининг ахборот ва ҳисоботлари эшитилиб муҳокама этилмоқда.

Таҳлиллар эшитувларнинг асосий қисми номига, расмиятчилик учун ўтказилганини кўрсатмоқда. Айрим долзарб масалалар Кенгаш сессияларига олиб чиқилмаган. Кўтарилган баъзи масалалар юзасидан тегишли хулосалар қилинмаган.

Бу кўрсаткич барча ҳудудларга ҳам тааллуқли эмас, албатта. Негаки, эшитув институти ҳам ягона амалиётга асосланмаган. Айрим ҳудудларда мавжуд ҳуқуқий асос доирасида эшитувлар ташкил этилган бўлса, қатор ҳудудларда олиб чиқилган масалаларнинг саёзлиги, пухта ўрганилмаганлиги, эшитувнинг ташкил этиш, тайёрлаш, амалга оширишнинг яхлит ҳуқуқий асоси мавжуд эмаслиги намоён бўлади.

Мазкур йўналишда ечимини кутаётган асосий масала, депутатларнинг масъулияти ва сессия ишини ташкил этишга доир бошқа масалалар халқ депутатлари Кенгашининг Иш тартибига мувофиқ белгиланади. Бироқ, мазкур нормани амалга оширишнинг қонун даражасидаги ҳуқуқий механизмлари яратилмагани республикамиздаги барча халқ депутатлари кенгашлари фаолиятини бир хилда, тўғри ва самарали ташкил этилишида муайян муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Ана шу камчиликларни бартараф этиш мақсадида **"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашининг регламенти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси**ни қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Қонун лойиҳасида халқ депутатлари Кенгаши сессияларини чақириш ва ўтказиш, сессия муҳокамасига масалалар киритиш ва уларни қараб чиқиш, халқ депутатлари Кенгаши органларини ташкил этиш ва сайлаш, улар фаолиятига доир ҳисоботларни тинглаш, депутат сўровини, қарор лойиҳаларини қараб чиқиш, овоз бериш, қарорларни эълон қилиш, сессияга таклиф этиладиган шахслар сонини аниқлаш тартиби, шунингдек, депутатларнинг масъулияти ва сессия ишини ташкил этишга доир бошқа масалалар тартибга солинади. Жумладан, халқ депутатлари Кенгаши ўз фаолиятининг асосий йўналишларини халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида тасдиқланган иш режаси – жорий, йиллик ёки Кенгашнинг ваколатлари муддатига мўлжалланган иш режаси асосида белгилаб олиши, халқ депутатлари Кенгаши фаолиятининг асосий йўналишларини ўз ичига оладиган халқ депутатлари Кенгашининг иш режаси асосида халқ депутатлари Кенгаши доимий комиссияларининг йиллик иш режалари тузилиши назарда тутилмоқда.

Бинобарин, халқ депутатлари Кенгашининг асосий иш шакли сессия бўлиб, сессия Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан халқ депутатлари Кенгаши ваколатига киритилган ҳар қандай масалани кўриб чиқишга ҳақлидир.

Сессия муҳокамасига киритилган кун тартибидаги ҳар бир масала, жумладан маҳаллий бюджет ва унинг ижроси тўғрисидаги ҳисобот, ҳоким ва унинг ўринбосарлари, ҳокимлик бўлимлари, бошқармалари ва бошқа бўлинмалари, давлат бошқаруви органларининг ҳудудий бўлимлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботлар тингланади ҳамда эркин муҳокама қилинади.

Муҳокама жараёни муайян масала юзасидан ҳоким, унинг ўринбосарлари, доимий комиссиялар раисларининг, давлат бошқаруви органларининг ҳудудий бўлимлари маърузалари ва қўшимча маърузаларини ёки депутатларнинг маърузалари ва қўшимча маърузаларини тинглаш, шунингдек, таклиф этилган шахсларнинг фикр билдириши шаклида амалга оширилади.

Айрим ҳолларда муҳокама этилаётган масаланинг мазмунини ҳисобга олган ҳолда, сессия мазкур масаланинг мазмунига доир қисқача ахборотни тинглаб ёки доимий комиссиялар раислари ёхуд депутатларнинг тушунтиришлари билан чекланиб, уни муҳокама этмасдан қарор қабул қилиши мумкин.

Умуман олганда лойиҳаларда назарда тутилган нормаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, халқ депутатлари кенгашлари фаолияти билан боғлиқ муҳим масалаларнининг янги таъсирчан механизмларини жорий этишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Шу ўринда эътиборга молик муҳим жиҳатни қайд этиш зарур. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида маҳаллий ҳокимият органларининг ваколат ва масъулиятини қайта кўриб чиқиш, уларнинг мустақиллигини янада ошириш, келгусида ҳокимнинг айни вақтда халқ депутатлари Кенгаши раиси сифатида фаолият кўрсатишига доир тартиб бекор қилиниши лозимлиги белгилаб берилди.

Демакки, ҳокимнинг халқ депутатлари Кенгаши раиси сифатидаги мақомини бекор қилиш юзасидан Асосий қонунимизнинг тегишли нормаларига ҳамда амалдаги бир қатор қонунларга ўзгартишлар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси устида пухта ишлаш бугуннинг кечиктириб бўлмайдиган талабидир.

Яна бир жиддий масала қонунчилик ва норматив ҳужжатлар ижодкорлигини такомиллаштиришга доир концепцияни амалга ошириш, турли дастурлар ижроси доирасида қонун қабул қилиш амалиётини қайта кўриб чиқиш, давлатимиз раҳбари белгилаб берган қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт эканидан келиб чиқиб, **"Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддасига – "Маҳаллий кенгашлар депутатларининг фикрларини ўрганиш"** механизмини жорий этишга доир қўшимча киритиш мақсадга мувофиқдир.

Энди ваъда билан иш битмайди

одамлар амалий натижага ишонади

Халқ билан бевосита мулоқот қилиш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар бартараф этилишига кўмаклашиш партиямиз фаолиятининг асосий йўналишларидан саналади. Зеро, сиёсий куч амалий ишлари билангина ўзига билдирилаётган ишончни оқлаши мумкин.

Ўтган ҳафтада партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар яна вилоятларга сафарга чиқишди. Сафдошларимиз юзлаб хонадонларга кириб боришди, электоратимиз вакиллари билан юзма-юз бўлиб, уларни ташвишлантираётган, қийнаётган масалалар хусусида сўзлашишди. Ишчи гуруҳлар зиммасига, шунингдек, “Обод қишлоқ” дастурига киритилган ҳудудларда илгари партиямиз вакиллари томонидан аниқланган муаммолар ечими топилгани ёки топилмаганини текшириш, “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” давлат дастурида баён этилган вазифалар бўйича тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бориш, ўтган йилги мурожаатлар ҳал этилиши юзасидан мониторинг юритиш, кўп тармоқли фермер хўжаликларининг кластерларга айланиши билан боғлиқ ҳамда ҳудудларда хусусий тиббиётни ривожлантиришга доир масалаларни атрофлича ўрганиш, уларнинг ечими борасида таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш сингари талай вазифалар ҳам юкланган эди. Ишчи гуруҳларнинг ана шу ишларни бажаришга йўналтирилган фаолияти ҳам самарали бўлди.

Қуйида жонли мулоқотлар чоғида ўртага ташланган масалалар, уларнинг мақбул ечимлари изланганги тўғрисида сўз юритамиз.

Андижонда муаммолар бор

Андижон вилоятининг Избоскан туманида бўлиб ўтган мулоқотлар мобайнида фуқаролардан турли масалаларга оид мурожаатлар келиб тушди.

Избосканлик бир неча фермер “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида тижорат банклари билан келишган ҳолда аҳолига чорва молларини етказиб берган. Бироқ орадан етти ой ўтган бўлса-да, чўнтакдан чиққан пул жойига қайтмаяпти.

– Тумандаги 54 та хонадонга қўй берганмиз, – дейди фермерлардан бири. – Чорвамизнинг пулларини олиш шунча мушкул бўлиб кетиши, очиғи, хаёлимизга ҳам келмаган эди. Мурожаат қилмаган идорамиз, ташкилотимиз қолмади, ҳисоб. Лекин натижа бўлмаяпти.

Гап шундаки, чорва моллари тадбиркор бўлиш истагидаги аҳолига имтиёзли кредит эвазига сотилган. Лекин кредитлар ўз вақтида қайтарилмагани учун фермерларнинг бергани “эҳсон”га айланиб қолган.

Мазкур мурожаат мутасаддилар иштирокида чуқур ўрганилди. Барча ҳужжатлар кўриб чиқилди. Масала ҳал этилиши учун ишчи гуруҳ аъзолари дастлабки қадамни ташлади. “Агробанк”, “Миллийбанк”, “Халқ банки” вакиллари билан гаплашилди. Пировардида масала ижобий ечим топди.

Хонобод шаҳри вилоятга бўйсунувчи шаҳар мақомига эга. Ҳудуд учун белгиланган солиқлар коэффициенти Андижон шаҳриники билан тенг. Аммо, кўпгина тадбиркорларнинг фикрича, шаҳарнинг чегара ҳудуд эканлиги, аҳолининг озлиги ва иқтисодий имкониятларнинг нисбатан пастлиги бу масалада ҳисобга олинмаган.

– Солиқ коэффициенти юқорилиги сабабли тадбиркорлар ўз фаолиятини яқин ҳудуд – Қўрғонтепа туманига кўчириб ўтказмоқда, – дейди ишбилармон Адҳамжон Эгамбердиев. – Чунки туман ва шаҳарнинг солиқ юки бир-биридан тубдан фарқ қилади. Туманники шаҳарникига нисбатан оз. Агар ушбу муаммо ҳал этилса, солиқ коэффициенти камайтирилса, ҳудуднинг мавжуд имкониятлари янада тўлиқ юзага чиқишига замин яратилади.

Ишчи гуруҳ мазкур масалага тегишли идоралар диққатини қаратиш ҳаракатига тушди.

Буюк Турон маҳалласи Нақшбандий кўчаси 47-уйда яшовчи Одинахон Халилованинг ҳужжат топширганига уч ойдан ошди, лекин ҳозирга қадар фуқаролик паспортини ололмаяпти. Мазкур масала юзасидан шу куннинг ўзида сўров чиқарилди ва ижроси назоратга олинди.

Ифор кўчаси 56-уйда яшовчи Наргиза Нуримованинг қарамоғида ногирон фарзанди бор. Топгани рўзғор камидан ортмайди. Дилбандининг парвариши, дори-дармони учун моддий кўмак керак. Бироқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳали у ҳужжат, ҳали бу ҳужжат керак, дея она шўрликни овора қилгани қилган. Сарсонгарчиликдан чарчаган фуқаро ишчи гуруҳдан кўмак сўради. Жойида масъуллар билан суҳбатлашилиб, муаммо ҳал этилди.

– O‘zLiDeP фаолларининг ёрдамидан миннатдорман, – дейди Наргиза Нуримова. – Мана, уларнинг кўмаги билан қонуний тарзда кейинги ойдан ёрдам пули оладиган бўлдим...

Ургутда хусусий тиббиёт маскани йўқ!

Самарқанд вилоятининг Ургут ишбилармон халқи билан тилга тушган. Буни мазкур туманда яхши тадбиркорлик муҳити вужудга келгани билан изоҳлаш мумкин. Айтайлик, нафақат юртимизда, балки жаҳон бозорида ҳам ўз ўрнини топган “UrGazCarpet” гиламлари ҳам шу туманда ишлаб чиқарилади. Ургутда бундай корхоналар кўп. Бироқ ана шу жиҳатини кўпчиликка намуна қилиб кўрсатишга арзийдиган **туманда бирорта ҳам хусусий тиббиёт муассасасининг йўқлиги** ишчи гуруҳ аъзоларини таажжублантирди. Тўғри, туман кўп тармоқли тиббиёт бирлашмаси аҳолига хизмат кўрсатяпти. Лекин партиямиз вакиллари мазкур муассасага боришганида узундан-узун навбатларнинг гувоҳи бўлишди. Шифохона мутасаддилари билан суҳбатлардан ушбу тиббиёт бирлашмаси салкам ярим миллион аҳолига хизмат кўрсатиши маълум бўлди. Шуни ҳам айтиш керакки, муассасада бугунги кунда кўп эҳтиёж сезилаётган компьютер томография аппарати ҳам йўқ. Беморлар бунинг учун Самарқанд шаҳридаги хусусий поликлиникаларга қатнамоқда.

Ишчи гуруҳ аъзолари вазиятни атрофлича ўрганиб, хусусий тиббиёт муссасасини очишга қаратилган лойиҳалар билан танишди ва бундай режаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича тадбиркорларга амалий кўмак беришга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишди. Ушбу таклифлар тегишли ташкилотларга тақдим этилади ҳамда ижроси депутатлик назоратига олинади.

Ургут туманидаги Испанза қишлоғининг Жайратепа маҳалласида яшовчи аҳолига сув чиқариб беришга мўлжалланган насос 1976 йили қурилган. Гарчи насос фақат жайратепаликлар учун мўлжалланган бўлса-да, амалда ундан “Бешкапа” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчилар ҳам фойдаланяпти. Эскириб қолгани боис сув тортиш қурилмасини тўла қувват билан ишлатишнинг иложи йўқ. Оқибатда жайратепаликлар узоқ йиллардан бери сув танқислигидан азият чекишяпти. Хусусан, томорқалар қуриб-қовжираб ётибди. Ишчи гуруҳ аъзолари масалани туман сув хўжалиги бўлими бошлиғи ҳамда сектор раҳбари иштирокида ўрганиб чиқди. Унинг ечими депутатлик назоратига олинди.

Одамлар йўлларнинг аҳволидан ҳам шикоят қилишди. Шу маҳалла ичидан ўтувчи, Ургутни қўшни Тожикистоннинг Панжакент тумани билан боғловчи 30 километрли йўл ниҳоятда абгор ҳолатда. Шунингдек, тилга олинган маҳаллада электр энергиясидан фойдаланувчилар сони кўплиги туфайли ҳаво ҳарорати тушиб кетган пайтларда трансформатор умуман ишламай қоляпти.

Баён қилинган масалалар юзасидан тегишли вазирлик ва идораларга депутатлик сўровлари юборилди ва муаммо ўз ечимини топгунига қадар доимий назоратга олинди.

Ишчи гуруҳ аралашгач...

Наманган вилояти Чуст туманида ҳам ишчи гуруҳ аъзолари меҳнат муносабатлари ва ишга жойлашиш, банк-молия, солиққа тортиш, табиий газ, электр энергияси ва ичимлик суви таъминоти, йўлларнинг таъмирталаблиги билан боғлиқ муаммолар ечими бўйича тизимли иш олиб боришди.

Туман аҳолиси ичимлик сувини узоқ масофадан ташиб келтириши боис сув нархи ёз ойларида кескин ошиб кетмоқда. Бу эса одамларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

– Кўп йиллардан буён тоза сув масаласи бизни қийнайди. Устигаустак, ташиб келаётган сувимиз ҳам истеъмолга яроқсиз, шўр. Шунингдек, транспорт қатнови яхши эмас, туман марказига бориб-келишга қийналамиз, – дейди Шербилак маҳалласида яшовчи Орзигул Ирисқулова.

Мазкур муаммолар юзасидан тегишли идораларга депутатлик сўровлари йўлланди.

“Тоймасобод” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи Иброҳим Миралиев тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш учун 20 сотих ер сўраб, туман ҳокимлигига мурожаат қилган. Бироқ орадан ярим йил ўтса-да, бу борада тайинли жавоб ололгани йўқ.

Шу маҳаллада яшовчи Наргиза Ашурматова ҳам фойдаланилмай ётган ер майдонида иссиқхона барпо этиб, икки нафар фуқарони иш билан таъминлаш ниятида. Лекин у ҳам ер ажратилиши билан боғлиқ турли мушкулотларни бошдан ўтказяпти.

Ишчи гуруҳ аъзоларининг аралашувидан кейин ушбу масалалар ҳал қилиниши йўлида дадил одимлар ташланди. Шу кунларда маҳаллий ҳокимлик партия фаоллари билан биргаликда тадбиркорларга ер участкалари бериш масаласини кўриб чиқяпти.

Сурхондарё вилоятининг Анғор туманида бўлиб ўтган учрашувда ҳам партиямиз вакиллари Президентимизнинг парламентга йўллаган Мурожаатномаси мазмун-моҳияти, унда белгилаб берилган устувор вазифалар амалга оширилишига сиёсий куч қўшаётган ҳисса хусусида атрофлича сўз юритишди, фуқаролар саволларига жавоб қайтаришди.

Ҳар қандай муаммони жойида ўрганган афзал, албатта. Ишчи гуруҳ аъзолари маҳаллаларга, тадбиркорлик субъектларига бориб, муайян муаммони вужудга келтирган омилларни синчиклаб ўрганишди, масъуллар билан гаплашиб, тегишли хулосалар чиқаришди.

“Жойида ҳал этилсайди”

“Шакарқамиш” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Мураббийлар кўчасида электр қуввати истеъмолчиларининг кўпайиши натижасида электр таъминотида тез-тез узилишлар юз беряпти. Ҳозир қиш-қировли кунларда мазкур кўчада яшовчилар, айниқса, ёш болали оилалар, кексалар жуда қийналмоқда. Мутасаддилар шундай камчилик борлигини билмайдиларми? Шак-шубҳасиз, улар ҳаммасидан хабардор. Лекин кўриб кўрмаганга олишяпти, шекилли. Фаолларимиз саъй-ҳаракати билан бу масала вилоят даражасидаги ташкилотларга олиб чиқилди. Муаммо ижобий ечим топиши кутилмоқда.

Шу маҳаллада яшовчи Анора Каримова анчадан буён ўз бизнесини бошлаш ҳаракатида юрибди. Лекин банкдан кредит олишда турли тўсиқларга дуч келаётгани сабабли ҳалигача фаолиятини йўлга қўя олмади.

– Ўзим чеварман, – дейди у. – Кичкинагина бўлса-да, тикиш-бичиш устахонаси очиб, шу орқали даромад топиб, рўзғоримнинг кам-кўстини бутлаш орзусида эдим. Мақсадимни рўёбга чиқариш учун бир неча молия муассасасига қилган мурожаатим жавобсиз қолиб, умидимни узгандим. Партия ходимлари менга хайрихоҳ, мададкор бўлишди. Ниҳоят, ниятимга етдим.

Термиз туманида яшовчи Лайло Тиловова ҳам шу сингари қийинчиликларга дуч келган. У тикувчилик фаолиятини бошлашга муваффақ бўлган, аммо фаолиятини кенгайтира олмай, ovораи сарсон. Ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш орқали бандлигини таъминлашдек эзгу ишга жиддий киришган партия фаоллари кўмагида бу муаммо ҳам тезда ҳал этилди. Туман архитектура ва қурилиш касб-ҳунар коллежи директори тадбиркор аёлга таълим муассасаси қошидаги тўгарак ихтиёрига берилган замонавий тикув машиналаридан бепул фойдаланишни таклиф қилди. Эндиликда тадбиркор аёл шогирдлари билан коллеждаги ҳаваскорларга касб-ҳунар ўргатиш билан бирга янги турдаги либослар тайёрлашни йўлга қўймоқда.

Мутасаддилар ҳаракатга тушди

Пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги ўрганишлар давомида кўплаб муаммолар аниқланди. Шулардан алоҳида эътиборга молиги инвесторлар, ишбилармонларга ер ажратиш масаласидир.

Маълум бўлишича, 2018 йил 15 сентябрь куни Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан инвесторлар учун ташкил қилинган “очиқ эшиклар” кунида “Regent Corp” МЧЖ раҳбари Илёсхон Азизов 2,4 миллион долларлик лойиҳа билан иштирок этиб, тендерда ютиб чиққан. Бироқ мутасаддилар томонидан ишбилармонга ер ажратиш пайсалга солиняпти.

“Inter Sok” МЧЖ кўп йиллардан буён фаолият кўрсатади. Корхона раҳбари яна 5 гектар ер майдони олиб, фаолиятини кенгайтирмоқчи. Шу масалада тадбиркор Бектемир туман ҳокимлигига мурожаат қилган, аммо натижа бўлмаган.

Яккасарой туманидаги кичик саноат зонасида жойлашган “Baby Toys Garden” МЧЖда болалар учун турли ўйинчоқлар ишлаб чиқарилади. Корхона раҳбари фаолиятини янада кенгайтириб, қўшимча иш ўринлари яратмоқчи. Тадбиркорнинг ер олишга қаратилган саъй-ҳаракатлари бесамар кетяпти.

Ана шундай муаммо Юнусобод туманидаги “ABA Biznes group” МЧЖни ҳам қийнаяпти.

Сергели туманидаги “Ravshan Yodik” МЧЖ раҳбари Рустам Бўриевнинг айтишича, корхона ўтган йили Миробод туманидан Сергели туманига кўчирилган. Аммо орадан бир йил вақт ўтса-да, кадастр рўйхатидан ўтиш масаласи очиқ қоляпти. Тадбиркор сансолорлик, лоқайдлик, бюрократик тўсиқларга қайта-қайта дуч келяпти.

Ишчи гуруҳ мазкур масалаларга депутатлар диққатини қаратди ва тегишли идораларга сўров чиқарилди.

Фаоллар Олмазор туманидаги “Аҳил” ва “Гулзор” маҳаллаларида ҳам иш олиб борди. Суҳбатлар асосида одамлар канализация ва тунги ёритиш чироқлари билан боғлиқ муаммоларни тилга олдилар.

Гулзор маҳалласида яшовчи Болтабой Мирюсуфовнинг айтишича, айрим кўчаларда тунги ёритиш чироқлари йўқ, борлари ҳам яхши ёритмайди. Ички йўллар эса таъмирталаб аҳволга келиб қолган.

Ишчи гуруҳ аъзолари муаммолар ечими бўйича барча мутасаддилар билан суҳбатлашди, ҳозирда аҳволни ўнглаш чоралари кўриляпти.

O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси матбуот хизмати томонидан тақдим этилган материаллар асосида тайёрланди.

Аёллар қаноти

Бугун қашқадарёлик хотин-қизлар оилада фарзандлар тарбияси билан машғул бўлиб қолмасдан, иқтисодиётимизни юксалтириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. O'zLiDeP вилоят Кенгашининг аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан воҳада хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоя қилиш борасида қатор ибратли ишлар қилинмоқда.

Замон билан ҳамнафас аёллар

Ўтган йили "Аёллар қаноти" фаоллари кўмаги билан вилоятда хотин-қизлар учун 250 га яқин янги иш ўрни яратилди. Хусусан, Қаршидаги "Фердил омад устоз" нодавлат таълим муассасасида ҳар йили икки минг хотин-қизга 20 хил касб-ҳунар ўргатилянти. Муассаса раҳбари, тадбиркор Феруза Каримова эндиликда ҳар бир туманда филиал очиш ҳаракатида. Тез орада фитнес клуб, пазандачилик курслари ишга туширилади. Нишонлик ишбилармон Ҳалима Шерхонова эса иссиқхона ташкил этиб, 10 нафар хотин-кизни ишга жалб этди. Шаҳрисабздаги "Асл ва асал тортлар" оилавий корхонасида ҳам 10 нафар, Моҳира Жўраеванинг тикув цехида эса 9 нафар опа-сингилларимиз меҳнат қилиб, рўзғорига барака киритянпти.

Ҳа, оиланинг бахти ҳам, баракаси ҳам аёлдир. Унинг учун муносиб турмуш шароити яратилса, жамият фаровон бўлади, оилалар мустаҳкамлиги таъминланади. "Аёллар қаноти"-нинг турли лойиҳа, амалий мулоқот ва кўрик-танловлари ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари самараси ўлароқ тадбиркор хотин-қизлар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Китоб туманининг Севаз қишлоғида яшовчи Умринисо Ҳамидова кўп йилдан буён тадбиркорликни бошлагиси келар, бироқ маблағи йўқ эди. Тадбиркор аёлларнинг муаммоларини ўрганиш гуруҳига мурожаат этгач, "Микрокредитбанк" туман филиалидан 15 миллион сўм кредит олишга кўмаклашилди.

– Амалий ёрдам учун партия ҳудудий Кенгашидан миннатдорман, – дейди Умринисо. – Улар мушкулимни осон қилишди. Кичкина бўлса-да, ишлаб чиқариш цехим ишлаб турибди. Ёш қизларга бичиш-тикиш сирини ўргатяпман. Ҳадемай яна 6 нафар ҳамқишлоғимни иш билан таъминлайман.

Партия ғузорлик Гавҳар Ҳамроевага ҳам амалий ёрдам кўрсатди. Бугун унинг оилавий корхонасида 7 нафар қиз банд. Деҳқоноободлик Айнура Чоршанбиева нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун жой тополмай сарсон эди. "Аёллар қаноти" унга "ноль" қийматдаги биноларидан бирини олишга кўмаклашди. Гулнора Умарова эса фирмаси қошида маиший хизмат кўрсатиш цехини очди. Ҳабиба Холиёрова ҳам ғишт ишлаб чиқариш, парандачилик ва чорвачиликни йўлга қўйди.

Тадбирларда изланувчанлиги, юксак иқтидорини намоён этиб, янги-янги кашфиётларга қўл ураётган истеъдодли қизлар кашф этилаётгани таҳсинга лойиқ. Қарши транспорт коллежи талабаси Севара Жабборованинг гидропоника усулида помидор етиштириш технологияси оилавий тадбиркорларга маъқул келди. Улар мазкур лойиҳани амалиётга тезроқ жорий этилишидан манфаатдорлигини билдиришди.

Бугун воҳанинг маҳалла ва қишлоқларида томорқа хўжалигини ривожлантириш борасида ҳам хайрли ишлар қилинмоқда. "Аёллар қаноти" фаоллари ва депутат аёллар томонидан ўтган йили юздан ортиқ кам таъминланган оилалар соҳибаларига ҳомийлик асосида томорқага экиш учун уруғ, кўчат олиб берилди. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Момосулув Бердиқулова кўмагида чироқчилик ўндан ортиқ кам таъминланган оилалар тадбиркорлик ва томорқа хўжалигини йўлга қўйишди. Шоира Ёқубовага банкдан 200 миллион сўм кредит олишда кўмаклашилди.

"Аёл маънавияти – оила қўрғонининг мустаҳкам пойдевори" лойиҳаси доирасида беллашув ҳамда соғломлаштириш тадбирлари ташкил этилди. Воҳанинг турли бурчакларида истиқомат қилаётган аёлларни қийнаётган муаммолари аниқланди ва бартараф этишга эришилди.

– Соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади, – дейди партиянинг вилоят Кенгаши бўлим мудири Гулбаҳор Тўраева. – Аммо аёл рўзғор, бола-чақа деб соғлиғи ҳақида қайғуришни унутиб қўяди. "Соғлом оила – мустаҳкам оила" лойиҳаси доирасида ўтган йили ташкил этилган тадбирларда уч мингга яқин опа-сингилларимиз бепул тиббий кўрикдан ўтди. Даволаниш жоиз бўлганларга шифохоналарга йўлланма берилди.

Жорий йилда ҳам нозик хилқат вакилаларининг фаоллигини ошириш, ночор ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган, чекка қишлоқларда яшаётан хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда давом этамиз. Фермер ва тадбиркор хотин-қизларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий билимларини оширишга қаратилган барча лойиҳаларимизни янада яхши ўтказиш борасида изланяпмиз. Уларда қатнашиб, билими ва амалий тажрибасини оширганларга тадбиркорлигини бошлаш, мавжудларини кенгайтириш ва замонавий технологиялар келтириб, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда яқиндан ёрдам берамиз.

Сайфулла ИКРОМОВ,
"XXI asr" мухбири

Брифинг

Самарқандда нима учун оилавий низолар кўпаймоқда?

Самарқанд вилоят матбуот уйида вилоятдаги барча судлар раислари иштирокида брифинг бўлиб ўтди. Унда 2018 йилда амалга оширилган ишлар хусусида батафсил ахборот берилди.

– Ўтган йили вилоятда умумий жиноятлар сони 2017 йилга нисбатан 32.2 фоизга камайди, – деди жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди раиси Олим Ҳайитов. –Хусусан, қасддан одам ўлдириш ва суиқасд қилиш 26,2 фоизга, номусга тегиш ва суиқасд қилиш 24,9 фоизга, одам савдоси 83,3 фоизга ва порахўрлик 54,6 фоизга камайгани юртимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва аҳолининг ҳуқуқий маданияти ошаётганидан дарак.

Жиноят ишларини судда кўришда жамоатчиликни жалб этган ҳолда , маҳалла, Ёшлар иттифоқи, хотин-қизлар қўмиталари вакилларини жамоат ҳимоячиси сифатида иштироки таъминланиб, маҳалла фуқаролар йиғинлари кафиллиги асосида 40 нафар шахсга, хотин-қизлар кенгаши кафиллиги билан 10 нафар шахсга ва Ёшлар иттифоқи кафиллиги қўлланилиб, 52 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди.

Хўш, ўтган йилда фуқаролик ишлари бўйича судларда қандай низолар кўпайди?

– Агар бир йилда 23 746 та иш кўриб чиқилган бўлса, уларнинг 23 фоизини никоҳдан ажратиш масаласи ташкил этди, – деди фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раиси М. Тожибоев. – Афсуски, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги аризалар сони кўпайиб бормоқда. Ортда қолган йилда бундай аризалар сони 5 700 тадан ошди. Бу агар ҳар бир оилада бир-икки нафар фарзанд борлигини ҳисобга оладиган бўлсак, қарийб 7 000 бола отасиз ё онасиз ўсади деганидир. Бундан ташқари, судларда кўрилаётган ишларнинг 50 фоизга яқинини оилавий низолар ташкил этади. Хусусан, мерос, уй-жой низолари билан боғлиқ ишлар, эр-хотин ўртасида мол-мулк можаролари, бола билан кўришиб туриш вақтини белгилаш, алимент ундириш кабилар... Битта онадан туғилиб, ўзаро келишолмаётган жигарлар ўртасидаги жанжаллар кўпайган. Бундай ишларни ҳал этишда маҳалла, хотин-қизлар қўмитаси ва ёшлар билан ҳамкорликда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Эътиборли жиҳати, сайёр суд мажлисларида тарғибот натижаси ўлароқ 323 та оиланинг яраштирилишига эришилганидир.

Вилоят туманлараро, туман (шаҳар) судлари томонидан 23 минг 746 та фуқаролик ишлари кўрилган. Шундан 21 минг 277 таси юзасидан ҳал қилув қарори чиқарилган бўлиб, 17 минг 911 та даъво аризаси қаноатлантирилган, 3 минг 366 та даъво рад этилган, 200 фуқаролик ишида хусусий ажрим чиқарилган. Таҳлиллардан кузатилишича, фуқаролик ишлари бўйича Пастдарғом ва Тойлоқ туманлараро судларида ўтган йилга қараганда фуқаролик ишларнинг ўсиш тенденцияси кузатилди. Аммо оилавий низолар билан боғлиқ ишлар ҳамон юқори кўрсаткичларни ташкил этмоқда.

Бугун ҳуқуқий соҳадаги бирламчи масала шуки, одамларнинг ҳуқуқий онги, тушунчаси ошмаса, муаммолар камаймайди. Ажримлар жараёнида гувоҳ бўлдикки, аксарият йигитлар нега, нима учун уйланганини билмайди. Афсуски, шундайлар мустақил ҳаёт остонасидан ҳатлар экан, бир оиланинг эгаси бўлгач, турмушнинг оғир-енгили унинг зиммасида эканини тушуниб етмаслиги ажримларнинг яна бир сабаби бўлиб қолмоқда...

Шунингдек, қизиқарли ва ошкора руҳда кечган тадбирда вилоят маъмурий суди раиси Б.Диёров ҳамда вилоят иқтисодий суди раиси М.Бозоров ҳам ўз йўналишлари бўйича таҳлилий маълумотлар берди.

Муҳаббат РАВШАНОВА,
"XXI asr" мухбири

Мулоқот

Ёш ишбилармонлар ҳузурида

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг ёшлар билан ишлаш бўлими ташаббуси билан Нукус шаҳридаги Ёшлар марказида "Тадбиркорлик – давлатимиз ривожланиши гарови" мавзусида очиқ мулоқот ташкил қилинди.

Депутатлар, мутахассислар ва навқирон авлод вакиллари қатнашган тадбирда ёшларнинг тадбиркорликка бўлган иштиёқини кучайтириш, ёш ишбилармонлар дуч келаётган муаммоларни ўрганиш, йигит-қизларнинг бизнес-ғоялари амалга ошишига кўмаклашиш сингари бир қанча масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси С.Турманов ўз сўзида, жумладан, тадбиркорлигини йўлга қўйиш истагидаги ёшлар ва навқирон ишбилармонларни партия доимо қўллаб-қувватлаётганини, кўмакка муҳтож ёшлар исталган пайтда партияга мурожаат қилишлари мумкинлигини таъкидлаб ўтди.

Тадбиркорлар билан бевосита иш олиб борувчи ташкилотлар вакиллари келажагимиз эгаларига хусусий бизнесни юритишга оид маслаҳатлар, йўл-йўриқлар бердилар, ёшларнинг турли саволларига жавоб қайтардилар.

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши матбуот хизмати

Ҳамкорлик

Бўғинлараро боғлиқлик

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети жамоаси Учтепа туманидаги 229-сонли умумтаълим мактабида учрашув ўтказди.

10-11-синф ўқувчилари учун ташкил этилган тадбирда мазкур олий ўқув юрти фаолияти билан ўқувчиларни яқиндан таништириш, ҳозирги кунда она тилимизга қаратилаётган эътибор, унинг мавқеини дунё тиллари қаторига олиб чиқиш учун қилинаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида сўз юритилди. Университетнинг бошланғич таълим етакчиси, ёшлар иттифоқи ўринбосари О. Амриллаев университетда талабаларга яратилган шарт-шароитлар ҳақида гапирди. Айниқса, университет талабаси М. Холиёровнинг шеърлари ўқувчи-ёшларда катта таассурот уйғотди.

Учрашув сўнгида қатнашчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди. Ўз навбатида мактаб ўқувчиларининг университетга саёҳатини уюштириш бўйича ўзаро келишиб олинди.

Солижон ЗОИРОВ,
"XXI asr" мухбири
Суратларни муаллиф олган.

Яхшилик

Мурувватнинг чегараси йўқ

Андижон тумани Ҳакан қишлоғининг Серфайз кўчасида меҳр ва эътиборга муҳтож бир хонадон бор. Ўксик кўнгилни шод этмоқ ниятида ота-она, яқинлар тиним билмайди. 2008 йилда туғма остогенез касаллиги билан дунёга келган Муслимахон Қодиржонова бугун яхшилар кўмагидан хурсанд.

O'zLiDeP Андижон вилоят Кенгаши ҳамда Тошкент шаҳридаги "Hamkor Stimul Servis" инновацион лойиҳалар илмий-тадқиқот маркази ходимлари Андижон вилоятидаги Муслимахон Қодиржонова сингари имконияти чекланган болажонлар хонадонларида бўлиб, уларга тиббий жиҳозлар ва совғалар улашдилар.

– Болаларга корхонамизда тайёрланаётган "FloraMix" шифобахш тиббий тўшамаларини ҳам тухфа қилдик, – дейди корхона раҳбари, O'zLiDeP Шайхонтоҳур туман Кенгашидаги бошланғич партия ташкилоти раиси, халқаро илмий академия профессори Шоҳида Султонова. – Шоли қипиғи ҳамда доривор гиёҳлар аралашмасидан ишлаб чиқарилган мазкур маҳсулот ногирон болалар учун махсус массаж жараёнини амалга ошириш, ҳаракатланиш давомийлигини барқарорлаштириш имкониятини яратади.

Меҳр ва эътиборга муҳтож болажонлардан яна бири Муҳайёхон Ҳамидова 2004 йилда Андижон туманининг Қорақалпоқ маҳалласида туғилган. Қизалоқнинг нигоҳларидаги қизиқувчанлик, гўдакларга хос ўйинқароқлик, жажжи оёқчаларидаги иқтидор атрофидагиларни бефарқ қолдирмайди. Муҳайёнинг қўллари ҳаракатдан мосуво бўлса-да, оёқлари билан ҳаётга ташналикни, қизиқишларига иштиёқни намоён қила олаётганини кўриб, беихтиёр ҳайратланади киши. Эшита олиш, тушуна олиш имконияти бор, аммо нималарнидир тўлиб-тошиб гапиришга чоғланади-ю... Яратганнинг синовини кўзда ёш, дилда мунг билан енгаётган ота-онага тасалли бўлишга интилган партия ходимлари, марказ вакилларининг қизалоққа улашган совғаларидан ҳам кўра, бир оғиз далдаси, ширин сўзлари кўпроқ аҳамиятга эга, десак муболаға бўлмайди.

– Қизалоқ қўл ҳаракатларини оёқлари билан бажаришини кўриб, атрофимиздаги айрим тўрт мучаси соғ бўла туриб, ношукрлик қиладиган кишиларга "ҳайф" дегимиз келади, – дейди O'zLiDeP ҳудудий ташкилоти бўлим мудири Муяссархон Умурзақова. – Муҳайёнинг оёқлари ёрдамида чизган суратлари ундаги истеъдод учқунларидан дарак бериб турибди. У уйда таълим олиш билан бирга ҳудуддаги 4-умумтаълим мактаби деворий газеталари учун ҳам қўлидан келгунича турли мавзудаги расмлар чизиб бераётганининг гувоҳи бўлдик.

Сафдошларимизнинг инновацион марказ вакиллари билан ҳамкорликдаги мазкур ташрифлари давомида имконияти чекланган болаларнинг муаммолари ҳам ўрганилди, уларга зарурий кўмаклар берилди.

Зилола РАҲМОНОВА,
"XXI asr" мухбири

Давлат дастури ижроси қандай бажарилмоқда?

Қоғозда ишлар беш, амалда эса...

Зарбдор туманидаги бир неча аҳоли масканларида “Обод қишлоқ” дастури доирасидаги ишлар чала бажарилгани кўзга ташланиб қоляпти

Президентимиз ташаббуси билан “Обод қишлоқ” дастури бошланганида аҳоли ниҳоятда севинган, энг чекка худудлар аҳли ҳам “Қачон бизнинг қишлоқ дастурга кирар экан”, дея йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар бартараф этилишига умид боғлаган эди. Барча туманларда камида иккита аҳоли масканида бошлаб юборилган қурилиш-ободонлаштириш ишлари кутилмаган муаммолар, қийинчиликларни келтириб чиқаргани ҳам бор гап.

Бунёдкорлик ишлари давом этаётган пайтда айрим муаммолар юзага келиши сабабларини кўрсатишга уринган, уларнинг бартараф этилиши учун саъй-ҳаракатлар қилинаётгани, мазкур қийинчиликлар вақтинчалик ҳолат эканлигини уқтирган мутасаддилар дастур доирасидаги қурилиш-ободонлаштириш ишлари расман якунланганидан кейин ҳам аҳолидан кўплаб шикоятлар туша бошлагач, вазиятни



изоҳлашга қийналиб қолдилар. Муаммолар сурункали тус олганидан бўлса керак, уларнинг телевидение, интернет, матбуотда бот-бот тилга олиниши одат тусига айланди.

Бу йил Зарбдор туманида “Обод қишлоқ” дастури доирасида “Оқар”, “Янгикент” ҚФЙ, “Шодлик” МФЙ ҳудудидаги аҳоли масканларида қурилиш-ободонлаштириш ишлари олиб борилиши режалаштирилган. “Демак, бошқа жойлардаги ишлар тўкис-тугал якунланибди-да, қойил азаматлар!” деб ўйлаган киши янглишади. Ўтган йили қурилиш ишлари туманда ги “Ёшлик”, “Тоза уруғ” МФЙ ва “Тошкесган” ҚФЙ ҳудудида жойлашган аҳоли масканларида олиб борилди.

“Обод қишлоқ” дастури доирасидаги ишлар тўлиқ якунланганини эшитиб, O‘zLiDeP Жиззах вилояти Кенгаши “Аёллар қаноти” бўлими мудири Шоира Ҳасанова, партия туман Кенгаши ижрочи котиби Ҳусан Турғунов билан биргаликда мазкур аҳоли масканларига йўл олдик. Маслаҳатлашиб, даставвал “Тошкесган” ҚФЙга боришга қарор қилдик. 5 610 нафар фуқаро истиқомат қилаётган қишлоққа киришингиз билан дастур доирасида анчагина қурилиш-ободонлаштириш ишлари олиб борилгани яққол кўзга ташланади. Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Юсуф Мавлоновнинг айтишича, дастур доирасида 6 миллиард 706 миллион сўмлик қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилган бўлиб, аҳолини ичимлик суви, суюлтирилган газ, электр энергияси билан таъминлаш масалалари тўлиқ ҳал қилинган. Йўл қурилиши борасида эса баъзи камчиликлар бор. Бунинг сабаби шуки, дастурга барча йўллар киритилмаган. “Ушбу йилда ана шу камчиликлар ҳам тузатилади”, дейди ҚФЙ раиси.

Раис билан мулоқот асносида йўл ёқасида шундоққина кўриниб турган мактабга кўзимиз тушди. Биргаликда боришни таклиф қилсак-да, раис нималарнидир баҳона қилиб, зум ўтмай жўнаворди. Бунинг сири кейин маълум бўлди. Мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳамон давом этмоқда экан. Қизиқ, “Обод қишлоқ” дастурида кўзда тутилган ишлар мазкур аҳоли масканида расман поёнига етиб, тантана-шодиёналар ҳам бўлиб ўтди-ку, деган ўй билан мактаб биносига кирдик. Мазкур таълим масканида 912 нафар ўқувчига 57 нафар педагог ва мутахассис-ўқитувчи таълим-тарбия беряпти. Бинонинг ярмида таъмирлаш ишлари давом этяпти. Ўқувчилар биринчи чоракда аҳоли хонадонларида ўқиган бўлса, иккинчи чоракни мактаб биносининг таъмирланган иккинчи ярмида давом эттираётган экан. Хоналар иситилмаган, ўқув жиҳозлари қалаштириб ташланган бу хоналардаги дарс сифати ҳақида гапириш ортиқча. Мактаб директори вазифасини ўтаётган Ғайрат Бўстоновнинг изоҳ беришича, бу жойлар “Обод қишлоқ” дастурига киритилмай қолиб кетган, кейинчалик туманга янги ҳоким келгач, унинг саъй-ҳаракатлари билан мактаб ҳам дастур доирасига киритилган ва шу боисдан қурилиш-таъмирлаш кеч бошланган. Гарчи ўтган йилнинг 25 декабрида тўлиқ тугаллаш режалаштирилган бўлса-да, пардоз-таъмирлаш ҳамон давом этмоқда. “Сангзор таъмир қурилиш” МЧЖ қурувчилари томонидан 2 миллиард 684 миллион сўмга тенг капитал таъмирлаш ишларининг қанчаси амалга оширилганини ҳеч ким аниқ айтиб бера олмади. Мазкур МЧЖ иш бошқарувчиси Зариф Шариповнинг таъкидлашича, шу кунгача зарур маблағнинг фақат ярмигина ажратилган.

“Бу кетишда таъмир қачон тугайди-ю, ўқувчилар қачон тўлақонли билим олади?” деган саволимизга иш бошқарувчи “Маблағ бўлса, узоғи билан икки ҳафтада барча ишларни тамомлаймиз”, дея жавоб берди. Муаммо ҳал бўлмаса-чи? 400 дан ошиқ ўқувчи бу чоракда ҳам яна “чала” билим олишга мажбур бўлишадими?

Тумандаги мутасаддиларга қўнғироқ қиламиз. Улардан ҳам “Чора кўриляпти, бир ҳафтада муаммо ҳал қилинади”, деган жавобни эшитамиз. Қурувчиларга омад, ўқитувчиларга сабр-тоқат тилаб, мактабнинг ёнгинасида жойлашган қишлоқ врачлик пунктига қараб юрамиз.

Чиройли қилиб таъмирланган мазкур масканда, афсуски, ҳеч кимни тополмадик. Ҳамма эшиклар қулфланган. Бир пайт шошиб келиб, ўзини “Патронаж ҳамширасиман”, деб таништирган аёл эшикларни очиб, бизни ичкарига таклиф қилди. Рост, шаҳарлардагидан қолишмайдиган соғлиқни сақлаш маскани бунёд этилибди, фақат тиббий жиҳозлар келтирилса кифоя. Бироқ катта маблағ сарфланиб бунёд этилган бу жой нега ҳувиллаб ётибди, деган савол билан энди туман тиббиёт бирлашмасига қўнғироқ қилдик.

Маълум бўлишича, гарчи “Қишлоқ врачлик пункти” деган ёрлиқ осиб қўйилган бўлса-да, расман мазкур мақомга эга эмаслиги, аслида туман поликлиникасининг филиали экани, ҳозирда мутасадди ташкилотларга бу жойни яна қишлоқ врачлик пунктига айлантириш борасида таклифлар берилгани, агар штат бирлиги ва керакли тиббий жиҳозлар ажратилса, масала ижобий ҳал бўлиши тўғрисида тушунтириш олдик. Расмий мақомга эга бўлмаса-да, чиройли қилиб “Қишлоқ врачлик пункти” деган ёзув осиб қўйиш кимга, нима учун керак бўлиб қолган, тўғриси, тушунмадик.

“Обод қишлоқ” дастури доирасида катта маблағ, меҳнат билан бунёд қилинган шундай соғлиқни сақлаш масканлари ким учундир орзу бўлиб турган бир пайтда унинг мақоми масаласи билан нега ҳеч ким жиддий шуғулланмаяпти?

“Тоза уруғ” ҚФЙда эса... Тўғриси, ушбу худудда “Обод қишлоқ” дастури амалга оширилган, деган гапга ишониш қийин. 1 677 нафар аҳоли истиқомат қиладиган қишлоқда йўл қурилиши, ичимлик суви билан таъминлаш борасида чала бажарилган ишларни айтмаса, бошқа бирорта ободонлаштириш кўзга ташланмайди.

– Мазкур аҳоли масканида “Обод қишлоқ” доирасидаги қурилиш-ободонлаштириш ишлари анча кеч бошланди, – дейди туман ҳокимлигининг иқтисодиёт ва саноат бўлими бош мутахассиси Мирзаали Нишонов. – Чунки дастурга асосан “Тошкесган” ҚФЙ ва “Ёшлик” МФЙ киритилган эди. Бу ердаги ишлар эса жорий йилнинг биринчи чораги давомида якунига етказилади.

Маълумотларга қараганда, дастур доирасида “Тоза уруғ” ҚФЙда 2 миллиард 371 миллион сўмлик қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилган. Йўллар нега чала таъмирлангани бўйича жўяли гап эшитмадик. Ичимлик суви муаммоси тўлиқ ҳал қилинмагани эса, мутахассис Йўлчи Холжигитовнинг айтишича, маблағ масаласи билан изоҳланар экан...

Мақолада қайд қилинганидек, бу йил туманда бирданига учта аҳоли масканида “Обод қишлоқ” дастурини амалга ошириш режалаштирилган. Мантиқан олиб қаралганда, ана шу жойларда қурилиш-таъмирлашни бошлашдан аввал ўтган йили дастурга киритилган аҳоли масканларида чала қолган ишларни ниҳоясига етказиш керак эмасми? Зарбдор туманида ўтган йили йўл қўйилган камчиликлар чуқур таҳлил қилиниб, барча режалар ўз вақтида сифатли амалга оширилиб, дастурга киритилган аҳоли масканлари том маънода обод қишлоқларга айланса, нур устига нур бўларди. Аҳоли ҳам шунга умид қилиб турибди.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” мухбири

Бизнес-форум

Афғон ишбилармонлари Бухорода

Бухоро шаҳрида ўзбек-афғон бизнес форуми бўлиб ўтди. Тадбирнинг очилиш маросимида вилоят ҳокими ўринбосарлари Ф. Умаров ва Б. Шаҳриёров ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти тўғрисида атрофлича сўз юритдилар. Хусусан, вилоят қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда пешқадамлардан бири экани алоҳида қайд этилди.

Форум доирасида “Кнауф Бухара гипс” хорижий корхонаси ҳамда “Ғиждувон” ва “Бухоро-агро” эркин иқтисодий зоналарининг ишлаб чиқариш қуввати, имкониятлари намойиш этилган тақдимотлар ўтказилди.

Афғонистон делегацияси аъзоларида бухоролик тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси ҳам катта қизиқиш уйғотди.

– Форум мобайнида ўзбекистонлик ҳамкасблар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик масалаларида фикр алмашдик, – дейди Афғонистон қурилиш ташкилотлари ассоциацияси раҳбари Муҳаммад Шариф Азимий. – Савдо ва ишлаб чиқаришга доир бир неча лойиҳамиз маъқулланганидан мамнунман. Ҳамкорлигимиз ғоят самарали бўлишига ишончим комил.

Асҳор ИСТАМОВ,
“XXI asr” мухбири

Сайёр қабул

“Кечкелдик”да кечикаётган масалалар

O‘zLiDeP Нуробод туман Кенгаши ва маҳаллий ҳокимлик ҳамкорлигида “Кечкелдик” маҳалла фуқаролар йиғинида сайёр қабул ташкил қилинди.

Туман ҳокими, прокурор, ички ишлар бўлими бошлиғи, давлат солиқ инспекцияси раҳбари ва бошқа мутасаддилар фуқаролар билан юзма-юз бўлиб, уларнинг мурожаатларига қулоқ тутишди.

Маҳалла фаолларидан бири Авғон Юлдошев сўз олиб, ичимлик суви, ички йўлларни таъмирлаш, транспорт қатнови билан боғлиқ масалаларни ўртага ташлади. “Кечкелдик” қишлоғидан Самарқанд, Каттақўрғон шаҳарларига автобус қатновини йўлга қўйиш, туман марказига қатнаётган ноқонуний “таксилар” фаолиятини тартибга солиш бўйича ҳам таклиф ва мулоҳазаларини билдириб, муаммолар бартараф этилишида аҳоли номидан кўмак сўради.

Халқ депутатлари Нуробод туман Кенгашидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Асомиддин Зиятов мазкур масалалар юзасидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови йўллашини билдирди.

Саломат Қаҳрамонова эса қишлоқ врачлик пунктини қайта тиклаш ҳамда уй-жой қуриш учун ер майдони ажратиш бўйича қилган мурожаатлари жавобсиз қолаётганидан шикоят қилди. Мутасаддилар ушбу масалаларни назоратга олишларини билдиришди.

Зокир Юлдошев эскириб қолган симёғочларни алмаштириш, Мансур Амиров “Кечкелдик” аҳоли масканини “Обод қишлоқ” дастурига киритиш, 1,5 км узунликда зовур қазиш тўғрисида гапиришди. Тадбирда яна кўплаб муаммолар айтилди.

Сайёр қабулда тилга олинган муаммоларни бартараф этиш бўйича туман ҳокимлиги томонидан тегишли идоралар, муассасалар раҳбарларига топшириқлар берилиб, уларнинг ижроси қатъий назоратга олинди.

Бахтигул ҚАРШИЕВА,
O‘zLiDeP Самарқанд вилоят Кенгаши матбуот котиби

Анжуман

“Ўзавтосаноат” АЖ: янги моделлар яратилади

Президент Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги-да “Ўзавтосаноат” АЖ ва “GM Uzbekistan” корхоналари раҳбар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида анжуман бўлиб ўтди.

Унда “Ўзавтосаноат” АЖ ҳамда “GM Uzbekistan” бошқаруви раиси ўринбосари Азиз Шукуров айни тизимда катта ўзгаришлар бошланганини маълум қилди.

– Автомобилсозлик саноатини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар мазкур соҳанинг истиқболини белгилаб беришда муҳим аҳамият касб этаётир, – дейди мутахассис. – Ҳозирги кунда 35 та завод ҳамда бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш ва Асака заводига етказиб бериш билан шуғулланувчи 98 та хусусий корхона мавжуд. Бундан ташқари, биз янги моделлар устида изланаяпмиз. Уларнинг концепцияси ҳамкорларимиз билан келишувга асосан, биринчи кунданоқ локализацияни янада оширишни мақсад қилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, жорий йилда машиналарнинг таннархини 9 фоиздан 15 фоизгача туширишга эришилган. Бу ўртача битта автомобиль учун 1100 дан 1500 АҚШ долларгача қисқарганини билдиради. Маълум қилинишича, “GM Uzbekistan” 2018 йилда 100 дан ортиқ бутловчи қисмларни маҳаллийлаштиришга муваффақ бўлган. 2019 йилда 240 дан ортиқ деталларни маҳаллийлаштириш кўзда тутилмоқда.

Анжуманда журналистлар томонидан берилган автомашиналар нархи ўзгариши ҳамда ошиши тўғрисидаги саволларга қониқарли жавоб қайтарилмади. Унинг ўрнига *“Нархларнинг шаффофлиги дунёнинг бирорта автосалонида йўқ. Чунки уни ошкор қилиш бошқа рақобатчилар фойдасига хизмат қилиши мумкин”*лиги айтилди.

Раъно САИДОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Нега Трамп мурожаатига олий суд аъзолари қарсак чалмади?

АҚШ президентларининг Конгрессга қилган мурожаатлари тарихи хусусида

Ҳар йили Оқ уй раҳбари сўнгги бир йил давомида амалга оширилган ишлар ва навбатдаги режалар юзасидан Конгресс олдида ҳисобот беради. 5 февраль куни АҚШнинг амалдаги президенти Дональд Трамп Конгресснинг ҳар икки палатаси аъзолари олдида "Мамлакатдаги вазият" юзасидан мурожаатнома билан чиқди.

Президент Трамп ўз мурожаатида маъмурияти катта ютуқларни қўлга киритганини маълум қилди: "Сўнгги икки йилда менинг маъмуриятим, ҳар икки партия етакчилари ўнлаб йиллар давомида эътибор қаратмаган тарихий муаммоларни ҳал қилди. 24 ой давом этган жадал тараққиёт натижасида бизнинг иқтисодиёт жаҳонда ҳавас қиларли даражага чиқди, қуролли кучларимиз дунёда энг қудратли ва Америка кундан-кунга зафар қучмоқда" , дея баёнот берди у. АҚШ давлат раҳбари, шунингдек, америкаликлар фаровонлиги йўлида партиялар билан биргаликда ишлаш кераклигини таъкидлаган.

Дональд Трамп Ўрта ва кичик масофадаги ракеталарни йўқ қилиш тўғрисидаги битимдан чиқишни мажбурий қадам, дея атади. У Афғонистондаги вазиятга тўхталиб ўтар экан, АҚШ "Толибон" ва бошқа гуруҳлар билан конструктив музокаралар олиб бораётгани, агар музокаралар муваффақиятли якунланса, Афғонистонда Америка қўшинларининг сони камайтирилишини ҳам қайд этди.

"Мамлакатдаги вазият тўғрисида" (State of the Union Address,– "Иттифоқдаги вазият тўғрисида")ги мурожаатнома Қўшма Штатларнинг қадимий сиёсий анъаналаридан бири ҳисобланади. Президентнинг худди Буюк Британия қироли каби парламентга мурожаат билан чиқиш зарурияти 1787 йилда АҚШ конституциясига бириктириб қўйилган.

Президентнинг илк бор Конгрессга мурожаат қилиши билан боғлиқ анъана 1790 йилда пайдо бўлди. Ўша йилнинг 8 январида АҚШнинг биринчи Президенти Жорж Вашингтон Нью-Йоркда қонун чиқарувчилар олдида мурожаат билан чиқди. Аммо 1801 йилда Президент Томас Жефферсон монархия анъаналари демократик давлатга мос эмаслигини айтиб, ўзининг Конгрессга мурожаатини ёзма шаклда юборди. Бироқ, Стэнфорд университетининг 1992-2000 йиллардаги президенти Герхард Каспер Конгресс олдида чиқиш қилмаслик учун Жефферсонда шахсий сабаблар борлиги ҳақида ёзган эди. Чунки президент яхши нотиқ эмасди, шу сабабли омма олдида нутқ идрок қилолмаган.

Ёзма мурожаат амалиёти 112 йил давом этган. Давлат раҳбарининг шахсан мурожаат қилиш анъанаси 1913 йилда Президент Вудро Вильсон томонидан қайта тикланган. У сиёсатшунос сифатида 1889 йилдаёқ ёзган мақоласида Ижроия ҳокимият ва Конгресс ўртасида фикрларни алмашиш учун масъулиятни ҳис қилган ҳолда Президент оғзаки нутқ билан чиқиши кераклиги ҳақида айтган эди. Аммо кейинчалик айрим президентлар бу анъанадан чекинди. Энг сўнгги бор ёзма мурожаат анъанасидан Жимми Картер 1981 йилда фойдаланган.

"Мамлакатдаги вазият тўғрисида" деган номни 1935 йилда Франклин Рузвельт амалиётга киритди, унгача мурожаат "Президентнинг Конгрессга йиллик мурожаати" дея номланиб келган.

Мурожаат қилинадиган сана аниқ белгилаб қўйилмаган. 1934 йилга қадар Президент қонун чиқарувчиларга декабрь ойида мурожаатнома билан чиқарди. Бироқ, Конгресс ишини март ойидан январга кўчириш тўғрисида Конституцияга киритилган 20-ўзгартишдан сўнг йиллик мурожаат йил бошида – одатда январь ойи сўнггида қилинадиган бўлди. Бунда янги сайланган президентнинг мансабга киришган йили истисно қилинади. Чунки инаугурация 20 январда бўлиб ўтиши сабабли, давлат раҳбари қонун чиқарувчилар олдида февраль ойида чиқиш қилишга мажбур эди. Бу ҳолда Президент мурожаати дастурий нутқ деб аталади.

Йиллик мурожаатда ички ва ташқи сиёсатнинг устувор масалалари белгилаб берилади. Нутқнинг асосий қисми иқтисодий вазиятга бағишланади. Мурожаат вақти камдан-кам ҳолда бир соатдан ошиб кетади. Энг қисқа мурожаат Жорж Вашингтон томонидан қилинган: у атиги 833 та сўз ишлатган. Энг узун нутқ 25 мингдан ортиқ сўз –1946 йилда Президент Гарри Трумэн томонидан сўзланган.

Анъанага кўра, нутқ ёзилишига спичрайтерлар гуруҳи жалб қилинади. Бу касб Оқ уйда Президент Уоррен Гардинг даврида пайдо бўлди. Ёзувчи Жадсон Уэлливер биринчи замонавий спичрайтер ҳисобланади.

Мурожаатга тайёргарлик Вакиллар палатаси спикернинг Президентга йўллаган расмий мактубидан бошланади.

Президент Конгресснинг ҳар икки палаталарининг қўшма мажлисида Олий суд судьялари, Штаб бошлиқлари Бирлашган қўмитаси аъзолари ва вазирлар маҳкамаси аъзолари иштирокида мурожаатномани йўллайди. Анъанага кўра ҳукумат аъзоларидан бири фавқулодда вазиятлар юзага келгудек бўлса, мамлакат бошқарувини қўлга олиш мақсадида мажлисда иштирок этмайди. 2001 йилнинг 11 сентябрида юз берган террор ҳодисасидан кейин парламентнинг бир неча аъзоси ҳам тадбирда иштирок этмаган.

Иштирокчилар ўтирадиган ўринлар ҳам қатъий белгилаб қўйилади. Президент ортида вице-президент (у сенат раиси ҳамдир) ва Вакиллар палатаси спикери ўтиради. Демократлар давлат раҳбарининг чап томонида, республикачилар эса ўнг томонда ўтиришади, конгрессменлар марказда, сенаторлар эса ён томонда ўтиришади.

Номи эълон қилиниши билан президент қарсаклар остида Конгресс аъзолари ўтирган залга кириб келади. Иштирокчиларнинг табриклариндан сўнг Президент мурожаат нусхасини Сенат раиси вазифасини бажарувчи вице-президент ва Вакиллар палатаси раисига беради. Шундан сўнг Президент мурожаатини бошлайди.

Президент нутқи қарсаклар билан бўлиниб турилади, қарсаклар сонига қараб Оқ уй раҳбарининг машҳурлигини аниқлаш мумкин бўлади.

Шуни алоҳида айтиш керакки, Олий суд аъзолари ҳеч қачон қарсак чалишмайди, улар шу тариқа ўзларининг қонун чиқарувчилар ва ижроия ҳокимиятдан мустақил эканликларини ифодалашади.

Ҳарбийлар нутқ фақат ташқи сиёсат ва мудофаа масаласига қаратилган бўлсагина қарсак чалади.

Президент Жон Кулижнинг мурожаати илк бор 1923 йилда радио орқали, Гарри Трумэн мурожаати илк бор 1947 йилда телевидение орқали тўғридан-тўғри эфирга узатилган. 1997 йилда Президент Билл Клинтоннинг мурожаати интернетга жойлаштирилди, 2002 йилда кичик Жорж Бушнинг нутқи тўғридан-тўғри интернет орқали янгради.

1941 йилда Франклин Рузвельт АҚШнинг жаҳон бўйлаб ҳимоя қиладиган "тўртта эркинлиги"ни: сўз, дин, "эҳтиёжлардан озодлик" ва "қўрқувдан озодлик" ҳимоя қилишини маълум қилди.

2002 йилда кичик Жорж Буш терроризмга ҳомийлик қилувчи ёки оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқарувчи ва уни террорчиларга берувчи режимларга нисбатан илк бор "ёвузлик ўчоғи" иборасини ишлатган.

Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ,
шарҳловчи

Реклама ҳуқуқида

MIKROKREDITBANK

Бугун мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ташаббускорларга кўплаб бизнес кўникмаларини намойиш этиш имконини бермоқда.

Энди хорижникидан ўзимизники афзал

Масалан, тижорат банкларининг инвестициявий кўмаги туфайли Гулистон шаҳридаги "Акбар бизнес тизими" компаниясида кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ҳозирда 3 миллион АҚШ долларлик лойиҳани ҳаётга татбиқ этишга киришилди, бу эса спорт пойабзали ва бошқа турдаги спорт анжомлари ишлаб чиқариш имконини беради. Лойиҳада илғор хорижий технологияларни сотиб олиш, янги бинолар барпо этиш ва мавжудларини реконструкция қилиш, шу қаторда 600 та янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган.

"Акбар бизнес тизими" масъулияти чекланган жамияти директори Зоир Дадаевнинг сўзларига кўра, ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши нафақат мамлакатимиз ёшларини қулай ва юқори сифатли спорт пойабзали билан таъминлаш, балки халқаро бозорда кучли мавқега эришишга кенг имконият яратади. Яқин келажакда спорт сумкалари ва бокс қўлқоплари йиғиш кўпайтирилади. Айтганча, бу йил "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг аксарият иштирокчилари гулистонлик тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган кроссовкалардан фойдаланди.

– Сўнгги пайтгача биз асосан қурилиш материаллари ишлаб чиқарар эдик, – дейди компания раҳбари. – Аммо кейинги вақтларда илғор технологияларни қўллаган ҳолда пойабзал ишлаб чиқариш линиясини яратдик. Ўтган йил баҳорида Сирдарё вилоятига ташриф буюрган Президент Шавкат Мирзиёев корхонамизда тайёрланаётган маҳсулотлар билан танишиб, импорт ўрнини босадиган товарлар ҳажмини кенгайтириш ва экспортни ташкил этиш бўйича тегишли кўрсатмалар берган эди.



Бугунги кунда "Микрокредитбанк" Сирдарё вилояти филиалидан олинган 1,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит ҳисобига режамизнинг биринчи босқичини амалга ошира бошладик. Хусусан, 950 минг АҚШ доллар эвазига Хитойдан замонавий жиҳозлар келтирилиб, юз турдаги спорт пойабзаллари, жумладан, барча мавсум учун эркаклар, аёллар ва болалар оёқ кийимлари ишлаб чиқариш бошланди. Маҳсулотларимизни тайёрлашда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тақдим этиладиган юқори сифатли чарм, шу жумладан, бардошли материаллардан фойдаланамиз. Маҳаллий ёшлар орасидан 250 нафар ёш йигит-қиз ҳам юқори даражадаги иш билан таъминланди. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати кунига икки минг жуфт пойабзал ишлаб чиқаришга етади. Йил охиригача бу рақамни беш минг донага етказишни мўлжаллаяпмиз.

"Акбар бизнес тизими" МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган спорт пойабзаллари миллий нақш ҳамда замонавий услуб уйғунлигини ўзида жо қилаётгани учун айни пайтда маҳаллий бозорда талаб катта бўляпти. Турли об-ҳаво шароитлари ҳам ҳисобга олинади. Улар енгил, чидамли ва қулай бичимга эга бўлиши баробарида импорт товарларга қараганда арзонроқ.

– Бундай сифатли маҳсулот тайёрлашга эришиш ишчидан юқори малака, эътибор, кўникма ва сабр-тоқат талаб қилади, – дейди З. Дадаев. – Бундан ташқари, гонгконглик мутахассислар билан ҳамкорликда 60 нафар операторимиз маркетинг сирларини ўзлаштирмоқда. Компания онлайн савдо тармоғини ўрнатди. Айтганча, бу савдо усули нафақат маҳсулот ҳақида батафсил маълумотга эга бўлган харидорлар учун, балки уйдан чиқмасдан маҳсулотга буюртма бериш имконини туғдиради. Электрон тижоратнинг яна бир афзаллиги шундаки, унда истеъмолчиларнинг хоҳиш-истаклари доимий ўрганилиб борилади.

Мусурмон РЎЗИЕВ,
"XXI asr" мухбири

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ҳуқуқида

Ўтган йили Тошкент вилоятида "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси буюртмасига биноан 500 га якин ижтимоий ва давлат идоралари объектлари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Юқори Чирчиқда ўзгаришлар катта

Жумладан, фаол ва тажрибали қурувчи Ғайрат Эшманов раҳбарлигидаги "Бек транс Навоий" масъулияти чекланган жамияти жамоаси Чирчиқ шаҳридаги 2-сонли оилавий поликлиникани 3 миллиард 900 миллион сўм эвазига реконструкция қилиб, мукаммал таъмирдан чиқарди. Бу ерда иш юритувчи Шоҳжаҳон Хидиров бошчилик қилаётган 70 нафардан ортиқ моҳир қурувчилар бригадаси жонбозлик кўрсатди. Ҳозирги кунда муҳташам ва кўркам ҳолатга келтирилган мазкур тиббиёт муассасасида аҳоли учун барча шароитлар муҳайё.

Юқори Чирчиқ туманидаги Туркистон маҳалласида истиқомат қилувчиларнинг ҳам димоғи чоғ. Чунки 15 минг аҳоли ўз саломатликларини текшириш ёки муолажа олиш учун энди туман марказига қатнамайдиган бўлди. Яқинда бу ерда оилавий поликлиника қад кўтарди. Мазкур инвестиция дастурига тушган объектни Таваккал Тошматов бошлиқ "Ёқубжон Барокат" хусусий корхонаси қурувчилари барпо этишди. Бу ерда "Наврўз", "Қизилсой", "Янги ҳаёт", "Жалолтепа" ва "Аҳмад Яссавий" маҳаллалари аҳли учун ҳам хизмат кўрсатилади.

Айни пайтда халқ фаровонлиги ва хотиржамлиги учун Чирчиқ шаҳридаги 7-ёнғинга қарши курашиш депоси реконструкция қилинмоқда. Ушбу 2 миллиард 731 миллион сўмлик лойиҳани "Star master group" масъулияти чекланган жамияти бинокорлари зиммасига олган. Режада 4 та автомашина учун махсус бокс ва қўшимча бино қуриш мўлжалланган.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
"XXI asr" мухбири

Хизматлар лицензияланган.

ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!

"STATUS PREMIUM"

масъулияти чекланган жамияти

ўз ихтиёрига асосан тугатилмоқда. Даъволар қонунчиликда назарда тутилганидек, икки ой муддатга қадар Тошкент шаҳар Миробод тумани Нукус кўчаси 1-тор кўча 4-уйда қабул қилинади.

Мурожаат учун телефон: 71 233-27-37

9 февраль – Алишер Навоий таваллуд топган кун

“Хамса” ҳайратлари

(“Ҳайрат ул-аброр”)

Ободлик

Шоҳки иш адл ила бунёд этар,
Адл бузуқ мулкни обод этар.
“Йигирманчи мақолат”

Давлат пойдевори – адлу диёнат,
Шудир мамлакатнинг икки асоси.
Тинч бўлур бу юртда эп ва сиёсат,
Кор қилмас оламнинг жанжал, низоси.

Кундан-кун юксалиб боргайдир даврон,
Ризқу насибаси элнинг бутундир.
Муҳташам қасрдир агарда замон,
Адл ва диёнат икки устундир.

Бундай мамлакатда тўқдир кўнгиллар,
Четлаб ўтгай уни балою қазо.
Жаннат дарсин олиб бунда булбуллар,
Сувлар булбуллардай таратгай наво.

Рубоб торларидай йўллар солган из,
Кўприклар – кепажак киприкларидай.
Кўзу қош мисоли ҳар бир ўғил-қиз,
Киприклар – тириклик кўприкларидай.

Осмонлар бургутлар парвозига мос,
Орзулар учгайлар юксак ва озод.
Ниятлар боғлардай гуллагай қийғос,
Юрт обод – эл обод, кўнгиллар обод.

Тўққиз фалакдан ҳам кўрингай аён,
Заминдан таратган нур-зиёлари.
Бу юртни сақлагай руҳлари омон,
Асрагай азизу авлиёлари.

Нимадир аслида юртга сарварлик –
Меҳрпарварликдир, миллатпарварлик.
Қай элнинг шундайин сиймолари бор –
Унинг дунё аро дунёлари бор.

Матонат шу танти зотларга тандир,
Улар тимсолида мардлик жам фақат.
Уларнинг тимсоли – буюк Ватандир,
Обод мамлакатдир, обод мамлакат.

Улуғлар ва кичиклар

Кимки улуғроқ анга хизмат керак,
Улки кичикроқ анга шафқат керак.
“Олтинчи мақолат”

Дунёда ҳар кимга меҳнат керакдир,
Ғайрат керакдир ҳам заҳмат керакдир.
Кимки улуғроқдир – хизмат керакдир,
Кимки кичикроқдир – шафқат керакдир.

То элда топгайдир обрў, эътибор,
Одамзод тирилиб ўлгайдир минг бор.
Кимки улуғроқдир – ҳурмат керакдир,
Кимки кичикроқдир – иззат керакдир.

Гарчи кўп дунёнинг яхши, ёмони,
Бир сўз тиклаб берар қайта дунёни.
Кимки улуғроқдир – раҳмат керакдир,
Кимки кичикроқдир – рағбат керакдир.

Азалий одоб бу, абадий зийнат –
Каттага ҳурмату кичикка иззат.
Кимки улуғроқдир – даъват керакдир,
Кимки кичикроқдир – тоат керакдир.

Панду насиҳатдир аслида ҳаёт,
Бир томони ному бир томони ёд.
Кимки улуғроқдир – суҳбат керакдир,
Кимки кичикроқдир – муҳлат керакдир.

Оламда эллар бор – каттаю кичик,
Кимлар бахтин топмиш минг йил кечикиб.
Кимки улуғроқдир – ҳиммат керакдир,
Кимки кичикроқдир – давлат керакдир.

“Ҳайрат ул-аброр”дин эсмиш бул сабо,
Тинч бўлсин десангиз шу Ер, шу дунё –
Кимки улуғроқдир – хизмат керакдир,
Кимки кичикроқдир – шафқат керакдир.

Ота ва она

Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа оно бошиға.
Икки жаҳонинга тиларсен фазо
Ҳосил эт ушбу иккисидин ризо.
Тун-кунунга айлагали нурфош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.
Сўзларидин чекма қалам ташқари,
Хатларидин қўйма қадам ташқари.
“Олтинчи мақолат”

Азалдан тошбағир бу кўҳна коргоҳ,
Одамзод меҳрга қачон қонадир?
Ҳам меҳридарёю ҳам меҳригиёҳ
Ота-онадир ул, ота-онадир.

Шулардир башарнинг илк сўз-каломи,
Меҳр-ла эритган фалак тошин ҳам.
Ҳадисларда келган бу зотлар номи,
Уларнинг номлари азиз, мукаррам.

Энг аввал онангга яхшилик қилғил,
Яхшилик қилғил сўнг яна онангга.
Онангга, онангга ҳар кун, ою йил,
Ундан сўнг яхшилик қилғил отангга.

Сенга шу давлатни этмишдир ато,
Жаннат кейин бўлмас – жаннат ҳозирдир.
Отанг розидир гар – розидир Худо,
Онанг рози бўлса – Худо розидир.

Шону мартабангни бир сўзга алиш,
Улар муҳтож эмас нону тузингга.
Олиб берган бўлсанг гар бир жуфт калиш –
Беҳишт болиштидай қайтар ўзингга.

Агарчи фалакка етмишдир бошинг,
Хоки пойларин ўп – гар осмондирсан.
Қошингдан кетгайдир ою қуёшинг,
Улар меҳмондирлар – сен мезбондирсан.

Уларга хизматинг қарзу фарз тайин,
Етгайдир энг олий кароматгача.
Афсус-пушаймонда ўтгайсан кейин
Мих узра ётгандай қиёматгача.

Меҳмонлар

Бас гул ила савсани озод ҳам,
Норвану сарв ила шамшод ҳам,
Ким бу чаман ичра хиромон эрур,
Борчаси бир-бирига меҳмон эрур.
“Ўн саккизинчи мақолат”

Боғбон гулистонга меҳмондир билсанг,
Гул-чечак боғбонга меҳмондир билсанг.
Такаллум айлагай булбулга қумри,
Булбул ҳам бўстонга меҳмондир билсанг.

Сунбул настаринга уч кунлик меҳмон,
Меҳмон бўлиб келмиш райҳонга райҳон.
Дашту саҳродаги лолайи хандон
Лолайи хандонга меҳмондир билсанг.

Сирожиддин САЙЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

Гўё видолашгай гул ва гулсавсар,
Қаён талпинмоқда сарви санавбар?
Неки жозиб эрур, ҳар неки дилбар –
Шу гўзал маконга меҳмондир билсанг.

Айрилиқ байтидай икки зор киприк,
Кўзлар бунча қаро, бунчалар қийиқ,
Кийикка интизор суйкалгай кийик,
Жайрон ҳам жайронга меҳмондир билсанг.

Сендан кетар гўё тоғу тош, саҳро,
Туппор учиб борар ёлдин айро,
Қаён шошмоқда, боқ, бу тошқин дарё?
Умринг шу тугёнга меҳмондир билсанг.

Аёну ноаён йиққан хирмонинг,
Донинг барбоддиру учгай сомонинг.
Гулдираб ўтмоқда давру замонинг,
Даврон ҳам замонга меҳмондир билсанг.

Нечун юзларингда оби равондир?
Энг тез келар меҳмон қайси меҳмондир?
Энг тез кетгувчи ҳам айнан инсондир,
Ҳар инсон инсонга меҳмондир билсанг.

ЭЪЛОН

СПОРТСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТДА МОҲИР ҚИЛИЧБОЗЛАР КУЧ СИНАШАДИ!

Минтақада қиличбозлик спорти қизғин ривожланаётганлигини ҳисобга олган ҳолда ҳамда миллий федерациялар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада юқори поғонага кўтариш мақсадида Марказий Осиё мамлакатлари қиличбозлик Федерациялари раҳбарларининг 2018 йил 17 ноябрь ойидаги йиғилиши қарорига асосан Марказий Осиё Қиличбозлик Конфедерацияси ташкил этилган эди.

2019 йил 25 январь куни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Афғонистон, Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, ва Ўзбекистон қиличбозлик федерацияларини бирлаштирувчи Марказий Осиё Қиличбозлик Конфедерациясини давлат рўйхатидан ўтказди.

Ушбу ташкилотнинг асосий мақсади Марказий Осиё мамлакатларида қиличбозликни ривожлантириш ва оммавийлаштириш, қиличбозликнинг нуфузини янада оширишдан иборат. Шунингдек, Конфедерация Халқаро қиличбозлик федерацияси (FIE)нинг бошқа субъектлари бўлган қиличбозлик Федерациялари билан ўзаро алоқалар ва ҳамкорликни йўлга қўйиш вазифаларини амалга оширади.

2019 йил 15-17 февраль кунлари Тошкентда Марказий Осиё қиличбозлик конфедерацияси томонидан ўсмирлар ва кадетлар ўртасида спортнинг мазкур тури бўйича I очиқ чемпионат ўтказилади.

Қиличбозлик спорти ихлосмандларини ушбу халқаро мусобақалар бўлиб ўтадиган маскан – пойтахтимиздаги гимнастика спорт саройига таклиф этамиз.

I OPEN CENTRAL ASIA FENCING CONFEDERATION CHAMPIONSHIP, JUNIORS & CADETS
FEBRUARY 15-17, 2019, TASHKENT

В ТАШКЕНТЕ ПОЕДИНКИ ИСКУСНЫХ ФЕХТОВАЛЬЩИКОВ!

15-17 февраля 2019 года в Ташкенте состоится I Открытый Чемпионат Конфедерации фехтования Центральной Азии среди юниоров и кадетов.

Приглашаем всех любителей фехтования на эти международные соревнования, проводимые в столичном Спортивном комплексе по гимнастике!

Ижодий кеча

O‘zLiDeP Хоразм вилоят Кенгаши “Аёллар қаноти” томонидан ўзбек мумтоз адабиёти асосчиси, мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 578 йиллиги муносабати билан маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

“Ўзбекни излаганлар – Навоийдан топаркан...”

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси вилоят бўлими ҳамда ТАТУ Урганч филиали билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуман **“Навоий ва замонамиз”** дея номланди.

– Сўз мулкининг султони Алишер Навоийнинг бой маънавий мероси асрлар оша бутун башариятни ҳайратга солиб, инсонлар қалбига, онгу шуурига эзгулик, инсонпарварлик, саховат, меҳр-муҳаббат зиёсини таратиб келмоқда, – дейди тадбир қатнашчиси Отабек Сафарбаев.

Учрашувда воҳамизнинг таниқли шоир ва ёзувчилари Қурбон Муҳаммадризо, Мадина Матёқубова, Гавҳар Ибодуллаева, Зулфия Амановалар улуғ бобокалонимизнинг ибратли ҳаёт йўли, ўлмас асарлари, ҳар бир инсон дилига муҳрланиб қолган ғазал ва рубоийлари тўғрисида гапириб, улардан мисоллар келтирди.

– Алишер Навоийни қанча эътироф этсак, қанча тилга олсак ҳам оз, – дейди ижодкор Гавҳар Ибодуллаева. – Бутун дунёда севиб ўқиладиган, 14 тилга таржима қилинган асарлари ўзбек номини, миллий урф-одат ва анъаналаримиз, улуғ қадриятларимизни оламга танитишга асос бўлган.

Тадбирда, шунингдек, Урганч шаҳар маданият ходимлари томонидан Навоий ғазалига басталанган куй-қушиқлар ижро этилди. Ғазалхонлик кечаси ҳам бўлиб ўтди.

Тадбир давомида партиямиз сафига қабул қилинган янги аъзоларга аъзолик гувоҳномалари ва эсталик совғалари топширилди.

Мушарраф РАҲИМОВА,
O‘zLiDeP Хоразм вилоят Кенгаши бўлим мудири

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI
XASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHR

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир ҳайъати:
Актам ХАЙТОВ, Адҳам ШОДМОНОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Тўлқин ЭШНАЗАРОВ, Алишер СУЛТОНОВ, Виктор ПАК, Мавлуда ХЎЖАЕВА, Насимжон АЛИМОВ, Сирожиддин САЙЙИД, Аслиддин АЛМАРДОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73А-уй.
электрон почта: xxi_asr@umail.uz
Телефонлар: қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс).
Котибият – 71 281-40-17
Обуна ва реклама бўлими – 71 215-60-45, 71 255-68-50

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми – 4 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 258 Тираж: 4713
Баҳоси келишилган нархда.
ЎзА якуни – 22:50
Топширилди – 00:10

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
© “XXI asr”дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнер Маъруфжон Раҳмонов томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
12345

Навбатчи муҳаррирлар: Аслиддин АЛМАРДОНОВ, Элбек ШОЙИМҚУЛОВ.